Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ГАЗЕТА
1918 ЙИЛ
21 ИЮНДАН
ЧИҚА БОШЛАГАН

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ,
ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

• № 161 (20. 428) • 1989 йил 9 июль, якшанба • Баҳоси 3 тийин.

БУХАРЕСТДА КЕНГАШ

БУХАРЕСТ, 7 июль. (ТАСС махсус мухбирлари). Бугун Руминия Социалистик Республикасининг пойтахтида Варшава Шартномасида қатнашувчи давлатлар Сиёсий маслаҳат комитетининг навбатдаги кенгаши иш бошлади.

Кенгашда: БКП Марказий Комитетининг Бош секретари, БХР Давлат Кенгашининг Раиси Т. Живков бошчилигидаги Болгария Халқ Республикаси; ВСИП Раиси Р. Ньерш бошчилигидаги Венгрия Халқ Республикаси; ГБСП Марказий Комитетининг Бош секретари, ГДР Давлат Кенгашининг Раиси Э. Хонеккер бошчилигидаги Германия Демократик Республикаси; ПБИП Марказий Комитетининг Биринчи секретари, ПХР Давлат Кенгашининг Раиси В. Ярузельский бошчилигидаги Польша Халқ Республикаси; РКП Бош секретари, РСР Президенти Н. Чаушеску бошчилигидаги Руминия Социалистик Республикаси; КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Советининг Раиси. М. С. Горбачев бошчилигидаги Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи; ЧКП Марказий Комитетининг Бош секретари М. Якеш бошчилигидаги Чехословакия Социалистик Республикаси делегациялари қатнашмоқдалар.

Кенгаш ишида Варшава Шартномасида қатнашувчи давлатлар Бирлашган қуролли кучларининг бош қўмондони армия генерали П. Г. Лушев ва Сиёсий маслаҳат комитетининг бош секретари, РСР ташқи ишлар министрининг ўринбосари К. Оанча ҳам иштирок этмоқдалар.

Кенгашни Н. Чаушеску очиб, қисқача табрик нутқи сўзлади.

Иккита мажлис бўлиб ўтди, мажлисларда СССР делегациясининг бошлиғи М. С. Горбачев ва ЧССР делегациясининг бошлиғи М. Якеш навбат билан раислик қилдилар.

М. С. Горбачев, Э. Хонеккер, В. Ярузельский, М. Якеш, Р. Ньерш, Т. Живков, Н. Чаушеску сўзга чиқдилар.

Кенгашда П. Г. Лушев доклад қилди. Дўстлик, ўртоқларча амалий ҳамкорлик муҳитида ўтаётган Сиёсий маслаҳат комитетининг кенгашида Европага ва дунёга тааллуқли долзарб муаммолар кўриб чиқилмоқда. Улар орасида Европа ва жаҳон хавфсизлиги масалалари, ядровий ва химиявий қуролни тугатиш, қуролли кучларни ва қурол-яроғларни анча қисқартириш йўлида бундан буён кўриладиган чоралар бор. Европада ва дунёда вужудга келаётган янги реалликлар шароитида иттифоқчи давлатларнинг ҳамкорлигини янада ривожлантириш ва такомиллаштиришга тааллуқли масалалар ҳам муҳокама қилинмоқда.

* * *

БУХАРЕСТ, 8 июль. (ТАСС). Бугун бу ерда Варшава Шартномасида қатнашувчи давлатлар Сиёсий маслаҳат комитетининг кенгаши ўз ишини тамомлади. БКП Марказий Комитетининг Бош секретари, БХР Давлат Кенгашининг Раиси Т. Живков раислигида ўтган якунловчи мажлисда «Ядровий ва химиявий қуролдан холи, барқарор ва хавф-хатарсиз Европа учун, қуролли кучларни, қурол-яроғларни ва ҳарбий ҳаражатларни анча қисқартириш учун» ҳужжат имзоланди.

Ҳужжатни:

Болгария Халқ Республикаси номидан — Т. Живков, Венгрия Халқ Республикаси номидан — Р. Ньерш, Германия Демократик Республикаси номидан В. Штоф, Польша Халқ Республикаси номидан В. Ярузельский, Руминия Социалистик Республикаси номидан Н. Чаушеску, Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи номидан М. С. Горбачев, Чехословакия Социалистик Республикаси номидан М. Якеш имзоладилар.

Кенгашнинг ахбороти ҳам қабул қилинди.

Дўстлик ва ўртоқларча бирдамлик вазиятида ўтган кенгаш Европа ва жаҳон сиёсатининг муҳокама қилинган муаммолари юзасидан фикрларнинг бирлигини кўрсатди, социализм манфаатлари йўлида, иттифоқчи давлатларнинг ҳамкорлигини такомиллаштириш мақсадида ҳаракат қилишга ялпи интилишни тасдиқлади.

Суратларда: Мажлислар залида; совет делегацияси.

ТАСС телесуратлари.

СССР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ БИРИНЧИ СЕССИЯСИДА

СССР Олий Советининг биринчи сессияси 7 июль куни Москвада, СССР Олий Советининг Мажлислар залида ўз ишини давом эттирди.

Палаталарнинг қўшма мажлисида СССР прокуратураси коллегиясининг состави тўғрисидаги масала кўриб чиқилди.

Номзодларни тавсия этиш учун СССР Бош прокурори **А. Я. Сухаревга** сўз берилади. У ўзига билдирилган ишонч учун астойдил миннатдорчилик изҳор этиб, СССР прокуратурасидаги бошқа раҳбарлик лавозимларига номзодларга нисбатан ҳам худди шундай талабчанлик ва ишонч билан ёндошилади, деб умид билдирди.

Тавсия этилаётган коллегия состави, деб таъкидлади нотиқ, давомийликни сақлаб қолиб ва мўлжалланаётган қисман янгиланиш шароитида ҳозир СССР прокуратураси зиммасига юклатилаётган мураккаб вазифаларнинг бажарилишини таъминлашга қодирдир.

А. Я. Сухарев тавсия этилаётган номзодларни қисқача таърифлади, депутатларнинг саволларига жавоб қайтарди.

Қонунчилик, қонунийлик ва ҳуқуқ-тартибот масалалари комитети раисининг ўринбосари **Ю. Х. Калмиков** СССР Олий Совети қонунчилик, қонунийлик ва ҳуқуқ-тартибот масалалари ҳамда ошкоралик, гражданларнинг ҳуқуқлари ва мурожаатлари масалалари билан шуғулланувчи комитетлари номидан изоҳ берди.

Депутатлар номзодларни кўриб чиқишга ўтадилар.

СССР Бош прокурорининг биринчи ўринбосари лавозимига тавсия этилган **А. Д. Васильевга** саволларга жавоб қайтариш учун минбар берилади.

Унинг номзодини муҳокама қилишда депутатлардан **Т. Х. Гдлян, Е. Ф. Бобилева, Н. Н. Энгвер** иштирок этдилар.

Сессия кўпчилик овоз билан А. Д. Васильевни СССР Бош прокурорининг биринчи ўринбосари этиб тасдиқлайди.

Мажлисда СССР Олий Советининг кўпчилик аъзолари йўқлиги ва овоз бериш чоғида қийинчиликлар юзага келганлиги муносабати билан сессияда иш тартибига доир баъзи масалалар юзасидан узоқ давом этган мунозара бўлди. Мунозарада депутатлардан **А. Н. Пенягин, Б. Х. Блаев, В. Д. Юдин, Е. М. Примаков, Р. А. Медведев, Р. Н. Нишонов, Е. А. Гаер** ва бошқалар қатнашдилар.

А. И. Лукьянов муҳокамага якун ясаб, жумладан шуни таъкидладики, депутат давлат ҳокимиятининг коллегиал, ваколатли органига сайланган пайтдан бошлаб, у Олий Советнинг, комитетлар ва комиссияларнинг фаолиятида актив иштирок этиши шарт. Депутат ўз сайловчилари олдидагина жавоб бериб қолмайди. Олий Совет депутатнинг ўз депутатлик мажбуриятларини қандай бажараётгани тўғрисидаги ахборотини тинглаши мумкин.

Раислик қилувчи СССР халқ депутатлари съездининг мандат комиссияси составида депутатлар фаолияти ва ахлоқ-одоби масалалари билан шуғулланувчи кичик комиссия тузилишини маълум қилади.

Баъзи депутатлар А. Д. Васильев номзоди бўйича муҳокама ва овоз беришни такрорий ўтказиш зарур, деган масалани ўртага қўйдилар.

Кўпчилик овоз билан бу таклиф рад этилади, А. Д. Васильевнинг тайинланиши тасдиқланади.

Сессия СССР прокуратурасидаги бошқа раҳбарлик лавозимларга даъвогарларни тинглайди, уларнинг номзодини муҳокама қилади. Мунозарада депутатлардан **А. П. Рубикс, А. В. Горбунов, Ю. Ю. Болдирев, С. С. Алексеев, Н. А. Струков, Г. А. Погосян, В. Н. Очиров, А. А. Собчак, В. С. Подзирук** ва бошқалар иштирок этадилар.

СССР Олий Совети И. П. Абрамов, В. И. Андреев, Я. Э. Дзенитис, В. И. Кравцев, А. С. Побежимовларни СССР Бош прокурорининг ўринбосарлари этиб, А. Ф. Катусевни Бош ҳарбий прокурор — СССР Бош прокурорининг ўринбосари этиб тасдиқлайди. С. А. Емельянов, В. И. Илюхин, И. И. Карпец ҳам СССР прокуратураси коллегиясининг аъзолари этиб тасдиқландилар.

СССР прокуратураси коллегияси составига бошқа номзодларни кўриб чиқиш палаталарнинг кейинги қўшма мажлисида давом эттирилади.

Сессияда иш тартибига доир масалалар юзасидан мунозара яна бошланди.

Шу билан палаталарнинг қўшма мажлиси ёпиқ, деб эълон қилинади.

10 июль куни СССР Олий Советининг биринчи сессияси ўз ишини давом эттиради.

(ТАСС).

Ўзбекистон ССР Министрлар Советида

ҚИШЛОҚ МЕҲНАТКАШИ УЧУН УЙ ВА ЕР

✦ Қишлоқдаги ҳар бир оила агар ўзи истаган тақдирда томорқа участкаси билан таъминланиши лозим. Ўзига уй қуриб олишни хоҳловчи ҳар бир деҳқон шундай имконият олиши керак. 8 июль куни Ўзбекистон ССР Министрлар Советида бўлиб ўтган кенгайтирилган кенгашда масала мана шундай қўйилди. Кенгашда республикада шахсий ёрдамчи хўжаликларни ва якка тартибдаги уй-жой қурилишини ривожлантириш муаммолари кўриб чиқилди. Унда партия, совет органларининг, агросаноат комплексининг. министрликлар ва идораларнинг масъул ходимлари қатнашдилар.

Кенгашни Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Раиси Ғ. Ҳ. Қодиров очди.

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари, республика давлат агросаноат комитетининг раиси И. Ҳ. Жўрабеков докладида, шунингдек бир қанча область ижроия комитетлари раисларининг нутқларида таъкидлаб ўтилганидек, аҳолини уй-жой, озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш, тез кўпайиб бораётган меҳнат ресурсларидан фойдаланиш — яқин вақтлар ичида республикада ҳал қилиниши лозим бўлган ғоят муҳим муаммолар жумласидандир. Аммо жуда катта социал-сиёсий аҳамиятга молик бу масалаларни ҳал этиш, айниқса якка тартибдаги уй-жой қурилишини ва шахсий ёрдамчи хўжаликларни ривожлантириш соҳасида тўхтаб қолмоқда.

Айрим совет ва хўжалик органларининг интизомсизлиги ҳамда масъулиятсизлиги сабабли партия билан ҳукуматнинг тегишли қарорлари қониқарсиз бажарилмоқда. Ер участкаларини ажратиб бериш чоғида белгиланган нормаларнинг кўплаб бузилаётганлиги аҳолининг ҳақ-қоний норозилигига сабаб бўлмоқда.

Айрим Советларнинг айби билан участкаларни ажратиб бериш чоғида суиистеъмолларга барҳам берилмаганлиги оқибатида аҳвол баттар ёмонлашмоқда. Бу эса меҳнаткашларнинг норозилиги кучайишига, носоғлом эҳтиросларнинг авж олишига имконият яратмоқда ва социал кескинликлар учун замин вужудга келтириши мумкин. Якка тартибда иморат қурувчиларга кредит бериш масалалари ҳамон ҳал қилинмаяпти. Мана шуларнинг ҳаммаси пировард натижада партиянинг халқ турмуши даражасини оширишга доир программасининг таркибий қисми бўлмиш катта социал-иқтисодий ишни обрўсизлантиришга олиб келади, қайта қуришнинг боришига тўсқинлик қилади.

Кенгаш қатнашчилари ерлардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш, деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш, ижтимоий ишлаб чиқаришда банд бўлмаган меҳнатга қобилиятли аҳолининг Озиқ-овқат программасини амалга оширишда яна ҳам кенгроқ қатнашиши, якка тартибдаги уй-жой қурилишини ривожлантириш шарт-шароитларини вужудга келтириш учун:

ҳар бир колхоз, совхозда, қишлоқ, посёлка Советида, район, шаҳар ва область ижроия комитетларида якка тартибдаги уй-жой қурилиши ва томорқа участкалари учун ер ажратиш масалалари билан шуғулланувчи комиссиялар тузиб, уларга ветеранларни, хотин-қизлар кенгашларининг аъзоларини ва бошқа фаолларни жалб этишни, мазкур масалаларни ҳал этишда уларга тўла ҳуқуқлар беришни зарур деб топдилар. Ажратиб бериладиган томорқа участкалари ва якка тартибдаги қурилиш учун ернинг миқдорлари ҳар бир хўжаликнинг аниқ-равшан шароитларини ҳисобга олиб аҳоли йиғини томонидан аниқланиши ҳамда халқ депутатлари маҳаллий Советларининг ижроия комитетлари томонидан узил-кесил тасдиқланиши белгилаб қўйилсин;

Қорақалпоғистон АССР Министрлар Совети, область ижроия комитетлари, Ўзбекистон ССР Давлат агросаноат комитети, бошқа министрликлар ва идоралар, маҳаллий Советлар ва хўжаликлар колхозчиларнинг, совхоз ишчилари ва хизматчиларининг, бошқа гражданларнинг якка тартибдаги уй-жой қурилишини ва шахсий ёрдамчи хўжаликларини ривожлантиришда жуда қисқа муддат ичида туб бурилишга эришсинлар. Кредитлар беришда, уруғлик, ўғит, кўчат, омухта ем, бузоқ ва қўзиларни, жўжа ва чўчқа боласини сотиб олишда, шунингдек техника, асбоб-анжом ва бинокорлик материаллари билан таъминлашда уларга ёрдам берилсин.

Республика ҳукумати, ҳуқуқ органлари партиянинг мулкчиликнинг ҳамма шаклларидан эпчиллик ва самарадорлик билан фойдаланиш тўғрисидаги кўрсатмаларига амал қилиб якка тартибдаги уй-жой қурилиши учун ер участкалари ва томорқа участкалари ажратиб бериш тўғрисидаги Қонун лойиҳаси ҳақидаги таклифларни кўриб чиқиб, Ўзбекистон ССР Олий Советига тақдим этсин;

колхозчиларнинг, совхоз ишчилари ва хизматчиларининг, қишлоқ жойларида яшовчи бошқа гражданларнинг томорқа ерлари (хусусий полизлар)ни ажратиб бериш тўғрсидаги аризалари ҳар бир конкрет ҳолда илгари ажратиб берилган томорқа ерларидан амалда қандай фойдаланилаётганлигини, оиланинг ижтимоий ишлаб чиқаришда қатнашувини, асосий ишлаб чиқариш фаолиятига зиён етказмай қўшимча ерларга ишлов бера олиш имкониятини ҳисобга олиб кўриб чиқилиши керак.

Қўшимча томорқа ерлари (хусусий полизлар)нинг миқдори ҳар бир ҳолда колхозларнинг умумий йиғилиши ёки колхозлар вакиллари йиғилишининг ва совхозлар ҳамда бошқа қишлоқ хўжалик корхоналари меҳнат коллективлари кенгашларининг қарорига биноан белгиланади ва маҳаллий Советларнинг ижроия комитетлари томонидан тасдиқланади.

Қорақалпоғистон АССР Министрлар Совети, область ижроия комитетлари ва район ижроия комитетлари ҳузурида янгидан барпо этилаётган якка тартибдаги уй-жой массивларини инженерлик жиҳатдан таъминлаш (сув, газ, электрлаштириш) ҳамда комплекс қуриш борасидаги ишларни мувофиқлаштириш учун совет ва хўжалик органларининг раҳбар ходимларидан махсус группалар ташкил этилсин, бунинг учун колхозлар, совхозлар, корхоналар ва ташкилотларнинг кучлари, маблағлари ҳамда моддий ресурслари жалб этилсин.

Ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланиш даражаси кўтарилсин, колхоз ва совхозлардаги корхоналарнинг якка тартибдаги қурилиш учун материал ресурсларини тўлдириш мақсадида ғишт, оҳак ва бошқа бинокорлик материаллари ишлаб чиқариш борасидаги ишининг сменалик коэффициенти оширилсин. Янги корхоналар қуришга ҳамда ишлаб турган корхоналарни ривожлантириш ва кенгайтиришга алоҳида эътибор берилсин.

Халқ депутатлари Советларининг ижроия комитетлари, Ўзбекбирлашув ва унинг жойлардаги органлари томорқа участкаларида етиштириладиган қишлоқ хўжалик маҳсулотлари тайёрлашни тубдан яхшилаш юзасидан қатъий чоралар кўрсинлар, бу ишда шартномавий асосларни такомиллаштирсинлар, гражданларнинг шахсий ёрдамчи хўжаликларини, коллектив боғдорчилик ва полизчиликни ривожлантириш соҳасида КПСС Марказий Комитети билан СССР Министрлар Советининг тегишли қарори бериб қўйган имкониятлардан тўлиқроқ фойдалансинлар;

Ўзбекистон давлат банки, Ўзбекистон агросаноат банки, Ўзбекистон саноат қурилиши банки, Ўзбекистон уй-жой-социал банки, Ўзбекистон жамғармалар банки якка тартибдаги уй-жой қурилишига кредит ресурсларини кўпайтириш учун қўшимча имкониятларни қидириб топсинлар;

колхоз ва совхозларга мукофот фонди ҳисобидан молия-хўжалик фаолияти якунларига кўра қишлоқ ҳамда посёлка Советлари ижроия комитетларининг раҳбарлари ва аппаратига мукофотлар беришга рухсат этилсин;

Ўртоқ И. Ҳ. Жўрабековга Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг якка тартибдаги уй-жой қурилишини ҳамда шахсий ёрдамчи хўжаликларни ривожлантиришга доир вазифаларнинг ҳал этилиши учун партия, совет ва хўжалик органларининг масъулиятини ошириш тўғрисидаги қарори лойиҳасини тайёрлаш топширилсин.

Кенгаш белгиланган тадбирларнинг рўёбга чиқарилиши учун халқ депутатлари қишлоқ, посёлка, район, шаҳар ва область Советлари асосий жавобгар бўлишлари керак, деб ҳисоблайди. Ана шу Советлар мазкур масалаларни нечоғлик чаққон ҳал этишларига қараб уларнинг обрў-эътибори, аҳолининг талаб-эҳтиёжларига муносабати амалда синаб кўрилади. Маҳаллий Советлар ушбу қарорнинг бажарилишини назорат остига олсинлар.

Кенгашда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари И. А. Каримов нутқ сўзлади. Кенгашда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Бюросининг аъзоси М. М. Мирқосимов, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Бюроси аъзолигига кандидатлар Ҳ. Алимова. Б. Ф. Сатин қатнашдилар.

(ЎзТАГ).

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ АГРАР СИЁСАТ МАСАЛАЛАРИ КОМИССИЯСИНИНГ МАЖЛИСИ

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, КПСС Марказий Комитетининг секретари Е. К. Лигачев раислигида 7 июль куни КПСС Марказий Комитети аграр сиёсат масалалари комиссиясининг навбатдаги мажлиси бўлди.

«КПСС Марказий Комитетининг 1989 йил март Пленуми талаблари асосида ишлаб чиқарилаётган қишлоқ хўжалиги маҳсулотининг янги давлат харид нархларига оид таклифлар тўғрисида» ҳамда «Агросаноат комплекси социал-иқтисодий тараққиётининг 1990 йилги плани қандай тузилаётганлиги ҳақида»ги масалалар муҳокама қилинди.

Биринчи масала юзасидан СССР давлат нарх комитети раисининг ўринбосари А. А. Краснопивцев, ВАСХНИЛ президенти А. А. Никонов, ВЦСПС секретари, агросаноат комплекси ходимлари касаба союзи марказий комитетининг раиси М. Б. Рижиков ахборот бердилар.

Фикрлашув чоғида комиссия аъзолари агросаноат комплекси маҳсулоти нархларининг, унинг барча бўғинларини юксак пировард натижаларга йўналтирадиган ўзаро боғланган системасини вужудга келтириш катта социал-иқтисодий аҳамиятгагина эга бўлиб қолмай, шу билан бирга муҳим сиёсий восита ҳам эканлигини таъкидладилар. Бу — янги хўжалик механизмининг ўзак масаласидир.

Қишлоқ хўжалик маҳсулоти етиштиришни кўпайтиришни ва ундан оқилона фойдаланишни рағбатлантириш мақсадида таклиф этилаётган лойиҳадаги чора-тадбирлар танқидий таҳлил этилди.

Қишлоқ хўжалик маҳсулотининг янги давлат харид нархлари устидаги иш давом эттирилсин, бунда мазкур нархларнинг агросаноат комплекси хўжалик юритиш иқтисодий механизмининг бошқа таркибий қисмлари билан янада узвий равишда боғлаш, халқ хўжалигининг аграр сектори билан бошқа секторлари ўртасидаги айирбошлашнинг эквивалентлигини таъминлаш, тўла хўжалик ҳисоби ва ўзини-ўзи пул билан таъминлаш асосида рентабель ишлаш учун колхоз ва совхозларга зарур шароит яратиб бериш назарда тутилсин, деган истак билдирилди.

Бундан ташқари нархлар юқори сифатли ва экологик жиҳатдан соф маҳсулот етиштиришни кўпайтиришга кўмаклашадиган бўлиши лозим.

Нархлар — мураккаб ва нозик иқтисодий механизм эканини эътиборга олиб, комиссия янги нархларга оид муқобил таклифлар ишлаб чиқиш ва 1990 йилда тажриба тарзида бу таклифларнинг самарадорлигини айрим республикалар, ўлкалар ва областларда синаб кўриш зарур, деган хулосага келди.

(Давоми иккинчи бетда).

БИЗ—ЯГОНА ОИЛАМИЗ

Термиздаги автобус — таксомотор корхонасида йигирмадан зиёд миллат намояндалари ишлашади. КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Советининг Раиси М. С. Горбачевнинг Марказий телевидение орқали сўзлаган нутқини коллективдагилар қизғин маъқуллаб кутиб олишгани тушунарлидир. Бу ерда бўлиб ўтган йиғилишда меҳнат ветерани, шофер В. И. Қувватов бундай деди:

— Менинг тақдирим — совет кишилари қардошлигининг ёрқин далилидир. Мен 1941 йилнинг охирларида тўрт ёшли бола эдим, ота-онасидан жудо бўлган бошқа болалар билан бирга Ўзбекистонга келиб қолдим. Мени Шеробод район марказидаги ўзбек Қувватовлар оиласи фарзанд қилиб олиб вояга етказди. Ўзбек мактабининг саккиз синфини тамомлаганман, паспортимга ўзбек деб ёзилган. Ҳозир ҳам ишлаб турган корхонага келганимга ўттиз йил бўлиб қолди. Турли миллатларга мансуб катта ўртоқлар ишчи касбига ўргатдилар. Биз ҳаммамиз умумий ишни қиляпмиз, бинобарин уни мумкин қадар яхшироқ бажариш лозим.

Колонна бошлиғи С. Худойназаров, механик Н. Иванова, шофер К. Жўрабоев ва бошқалар унинг нутқини қўллаб-қувватладилар.

(ЎзТАГ мухбири).

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ АГРАР СИЁСАТ МАСАЛАЛАРИ КОМИССИЯСИНИНГ МАЖЛИСИ

(Давоми. Боши биринчи бетда).

Сўнгра орттирилган тажрибани эътиборга олиб, улар мамлакат агросаноат комплексида кенг жорий этилади.

Иккинчи масала юзасидан СССР Госплани раисининг ўринбосари П. А. Паскарь ахборот берди. 1990 йилги план лойиҳасини ишлаб чиқиш партия XXVII съездининг ва КПСС Марказий Комитети 1989 йил март Пленумининг аҳолини озиқ-овқат билан таъминлаш ишида маҳаллий органларнинг роли ва масъулиятини ошириш йўлини белгилаб берувчи талабларига мувофиқ олиб борилмоқда, деб таъкидлади у. Лойиҳа областлардан, ўлкалар ва республикалардан тушган таклифлар асосида тузилмоқда. Ўзаро маҳсулот етказиб беришни кучайтиришга, корхоналарнинг тўла хўжалик ҳисоби ва ўзини ўзи пул билан таъминлаш асосидаги иш шароитида ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишга, иқтисодий механизмни такомиллаштириш, ижара ва пудратни кенг жорий этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Шу билан бирга муҳокама вақтида комиссия аъзолари лойиҳанинг заиф жиҳатларига эътиборни қаратдилар, жумладан, ишлаб чиқариш ҳажмлари билан моддий-техника, молиявий ресурсларнинг номутаносиблиги қайд этилди. Лойиҳада кўпгина кўрсаткичлар юзасидан беш йиллик пландан орқага чекинишга йўл қўйилган. Шу жумладан, озиқ-овқат саноати корхоналарини ишга туширишни ўринсиз равишда қисқартириш белгиланган.

Шу муносабат билан план устида бундан буёнги иш жараёнида агросаноат ишлаб чиқаришини ўстиришнинг зарур резервлари ва имкониятларини қидириб топиб, шу тариқа 1990 йилда ҳамма энг муҳим кўрсаткичлар юзасидан беш йиллик план даражасига етиб олишга, маҳсулот ҳажмларини кўпайтиришга ва пировард натижада аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашни яхшилашга эришишга оид таклифлар айтилди.

Масалалар қизғин тарзда, барча қатнашчиларнинг зўр манфаатдорлиги ва фаоллиги вазиятида муҳокама қилинди.

Мажлисда иттифоқдош республикалар Компартиялари Марказий Комитетларининг биринчи секретарлари: Қозоғистондан Н. А. Назарбоев, Молдавиядан С. К. Гроссу, Қирғизистондан А. М. Масалиев, Белоруссиядан Е. Е. Соколов; Литва ССР Министрлар Советининг Раиси В. В. Сакалаускас, Херсон областидаги С. М. Киров номли колхоз раиси Д. К. Моторний, КПСС ўлка ва область комитетларининг биринчи секретарлари: Краснодардан И. К. Полозков, Ростовдан Б. М. Володин, Москвадан В. К. Месяц, Белгороддан А. Ф. Пономарев, Волгограддан В. И. Калашников, Калининдан Н. Ф. Татарчук, шунингдек СССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари, СССР Госснабининг раиси П. И. Мостовой, Тула областидаги В. И. Ленин номли колхоз раиси В. А. Стародубцев, Чувашия АССР «Ленинская искра» колхозининг раиси А. П. Айдак, РСФСР давлат агросаноат комитети раисининг биринчи ўринбосари — РСФСР министри Г. В. Кулик, СССР молия министрининг ўринбосари В. Н. Семенов ва бошқалар сўзга чиқдилар.

КПСС Марказий Комитети аграр сиёсат масалалари комиссиясининг навбатдаги мажлисида қишлоқ хўжалик маҳсулотини етиштириш, сақлаш ва ташиш вақтидаги нобудгарчиликни қисқартириш юзасидан министрликлар ва идоралар, маҳаллий Советлар қилаётган ишлар билан боғлиқ масалаларни кўриб чиқишга қарор қилинди.

(ТАСС).

ХУШХАБАРЛАР

ЙЎЛДОШ ШАҲАР ҚУРИЛАДИ

● Водил йўлида область марказидан 7-8 километр нарида тепаликда Фарғонанинг йўлдош шаҳри — Миндонобод қурилади. Лойиҳачилар тепаликнинг юқори қисмида 150 гектарли боғ барпо этишни, пастда эса 3 минг оилага мўлжалланган шахсий уйларни жойлаштиришни мўлжалламоқдалар. Шу ернинг ўзида кинотеатр, болалар муассасалари, мактаблар, магазинлар, маиший хизмат корхоналари, автомат телефон станцияси жойлаштирилади. Йўлдош шаҳарга магистрал водовод келтирилади, келгусида троллейбус линияси ўтказилади. Махсус тузилган дирекция қурилишга раҳбарлик қилмоқда.

ҚАРДОШЛАР ДАСТУРХОНИГА

● Бухоро деҳқонлари етиштирган сабзавот ва мевалар Урал ва Сибирга жўнатилди. Аэрофлот самолётлари Бухоро аэропортидан Иркутск, Благовешенск, Свердловск, Монголия Халқ Республикаси томон учмоқда. Область агросаноат бирлашмаси билан имзоланган шартномага мувофиқ, бу йил мамлакатнинг шимолий ва шарқий районларига, шунингдек чет элларга қарийб ўн бир ярим минг тонна янги мева ва сабзавот ҳаво йўли орқали жўнатилади.

ЭКСПОРТ ҲИСОБИГА

● Андижон ип газлама бирлашмаси ўз маҳсулотини экспорт қилиш эвазига ишлаб топган валютага чет элдан медицина аппаратлари туркумини харид қилди. Тўқимачилар 160 минг сўмлик чет эл валютасига ультратовуш диагностика қурилмалари, анестезиология системаси, ўпкани сунъий нафас олдириш аппарати, энг замонавий стоматология кабинети сотиб оладилар. Корхонанинг медицина-санитария қисмида энди комбинат ходимларигина эмас, бутун область тўқимачилари ҳам ўз соғлиқларини тиклаб олишлари мумкин. Врачлар эндиликда тезкор лабораторияларни сотиб олишни ўйламоқдалар.

[ЎзТАГ].

Партия турмуши: атеистик тарбия қирралари

ЭНГ ОДДИЙ ҲАҚИҚАТ

ЁКИ САМАРҚАНД ОБЛАСТЬ ПАРТИЯ КОМИТЕТИ БЮРОСИ МАЖЛИСИДАН КЕЙИНГИ ТААССУРОТЛАР

Илгари атеистик тарбия партия ташкилотларининг асосий ташвишларидан бири ҳисобланарди. Лекин унинг на ибтидоси ва на интиҳоси бўлганидек, натижаси ҳам кўзга ташланмас эди. Қайта қуриш бу жабҳадаги «қиличбозликка» чек қўйди. Энди етти ўлчаб, мулоҳаза, мушоҳада қилиб, кейин хулоса чиқариш кераклиги аён бўлди. Отасининг вафот этган куни чопон кийиб, бел боғлаб турган коммунистни партия сафидан чиқариш, турли маъракаларда қатнашгани сабабли қаттиқ жазолаш афсонага айланди. Виждон эркинлиги қарор топа бошлади. Бир сўз билан айтганда, атеист «нонсиз» қолди. Аммо эркинликни бузғунчилик, кўнгилга келган гапни амалга ошириш деб тушунган айрим диндорлар ҳамма нарсани менсимай қўйишди.

Жума кунларининг бирида Самарқанд шаҳрининг Регистон майдонида бир ярим минг кишига яқин намозхонлар тўпланишди. Улар орасида Андижон, Фарғона, Ўш ва бошқа ерлардан келганлар ҳам бор эди. Хўш, чорраҳа даҳасидаги мачитда ҳар жума куни намоз ўқилар эди, нега энди бу сафар Регистонга келишди?

— Аҳли мусулмон, қулоқ солинг, ахир, бу ер мадраса! Қолаверса бунда одам қатл этилган, намозингиз қабул бўлмағай, — деди соқоли кўксини тўлдирган нуроний отахонлардан бири. Лекин унинг товушини оломоннинг ғала-ғовури босиб кетди.

— Кейинги жума куни беш минг киши келади, хўш қаерда намозхонлик қиламиз? — қичқирди айримлар.

Қизиқ? Нега энди диндор кишилар жамланиб бир жойда намоз ўқиши керак экан? Бу атайин қилинаётган ишга ўхшамайдими? Ахир, диндорлар учун намоз — худо ва банданинг ёлғиз қолиши дегани эди-ку. Шундай экан, агар сидқидилдан сиғиниш ихтиёр этилса уйда ҳам, яшаш жойига яқин ердаги масжидда ҳам намоз ўқийвериш мумкин. Ҳақиқий диндорлар намоз арафасида ҳеч кимга назар солмасликка, ҳеч кимни кўрмасликка ҳаракат қиладилар. Аммо бундай мулоҳазалар Регистонга тўпланганларни сира қизиқтирмас эди. Демак, мақсад бўлак? Дарвоқе, бу ёғи Ўш, нариги тарафи Термиз шаҳарларидан бу ерга сажда қилиш учун келишдан мақсад ҳам бошқа экан-да?..

Ана шундай вазиятда қараб туриш керакми ёки аралашмоқ лозимми? Бу савол мушкул эди. Умуман, шунга ўхшаш муаммолар тўпланиб қолгани учун ҳам область партия комитетининг идеология бўлими масалани бюро мажлисига киритди.

Бюро мажлиси узоқ давом этди. Гап кимнидир ишдан олиш, кимнидир жазолаш хусусида бормади. Аксинча, ҳар бир кишини эшитишга ҳаракат қилинди. Аввал бюро аъзолари фикрлашиб олишди. Кейин таклиф қилинганларга мурожаат этишди.

— Область партия комитети бюроси аъзоси, Самарқанд шаҳар партия комитети биринчи секретари Носир Ёқубовнинг фикрига қўшила олмайман, — деди область маданият бошқармаси бошлиғи А. Аминов. — У оталаримиз ўттизинчи йилларда вақт қанча мураккаб бўлмасин, масалани узил-кесил ҳал қилишган, биз эса иккиланиб ўтирибмиз, деган гапни айтди. Ҳозир ана ўша енгилтакликнинг жазосини тортмаяпмизми? Идеология бугун ҳосил бермайди. Унинг мевасини невaралар тотишади. Биз хатога йўл қўйсак, болаларимиздан дакки эшитамиз. Менимча яхши гап, яхши муомала, тушунтириш ва идрок қилиш туфайли муаммонинг ечими топилади.

— Дарҳақиқат, диндорларга пешвоз чиқиш керак эди — деди область телевидение ва радиоэшиттириш комитети раиси Ш. Хўжаев.

— Улар жой тор деган баҳонани рўкач қилишса, дарров Бибихоним масжидини очиб бериш зарур эди. Бу билан ҳеч нарса йўқотмас эдик. Ахир, Бибихоним масжидида асрлар давомида намоз ўқиб келинган.

— Ҳа, идеологиянинг ҳужумкорлигини ур-йиқит деб тушунилган замонлар ўтди, — деб ўз фикрини баён қилди «Ленинский путь» газетаси муҳаррири Б. В. Шчеголихин. — Бу ерда Ургут шаҳар ижроия комитети масжидни диндорларга қайтаргани қонунга хилоф, деб айтилди. Қайси қонунга?

Бундан бир неча йил бурун шу хонада Самарқанд районидаги диний вазият муҳокама қилинганди. Ҳеч ким ўз фикрини эркин айтолмаган, бир қанча кишилар партиявий жазога тортилганди. Бугун эса ҳамма юрагидагини айтмоқда, бюро аъзолари хатога йўл қўйишса, уни кўрсатишмоқда. Шунинг ўзи ҳам қайта қуришнинг маҳсули эмасми?

— Дарҳақиқат, «Биз» ва «Улар» деб ўртага девор уриш керак эмас, — деди область партия комитети секретари Ф. А. Шукурова. — Улар биримизга ота, иккинчимизга ака, учинчимизга қариндош, маҳалладош. Хуллас, ҳар кун, ҳар соатда учрашиб, кўришиб турадиган кишиларимиздир. Бу ерда баъзилар, жумладан Самарқанд район партия комитети биринчи секретари И. Исоқов шошмаслик керак деди. Йўқ, қўл қовуштириб ўтирмаслигимиз лозим. Тартиб-қоида ҳаммага тааллуқли эканлигини тушунтирмоқ зарур. Бунда қўполлик, манманлик билан эмас, ширинсуханлик, камтарлик билан иш юритиш зарур. Илгари атеистларга нимани ёзиб беришса шуни ўқишар эди. Энди сохта атеистлар эмас, билимли, моҳир тарғиботчилар замони келди. У қуръондан ҳам, ақидалар, ҳадислардан ҳам хабардор киши бўлмоғи даркор. Акс ҳолда мушкул аҳволга тушиб қолади.

Мен ушбу мақолада бюро мажлиси тафсилотини ёзмоқчи эмасман. Фақат партия ташкилотлари ҳам ўз ишларини замон руҳида қайта қуриб олишаётганини айтмоқчиман, холос. Дарвоқе, орадан бироз вақт ўтди, Регистон масаласи нима бўлди? Бу ерда энди турли тадбирлар ўтказилмоқда. Масалан, мажлисдан кейинги кун Регистонда пионерлар байрами бўлди. Сўнг Самарқанд райони бадиий-ҳаваскорлик коллективларининг кўрикчиқишлари... Хуллас, бугун Регистон гавжум. Тўғри, баъзи-баъзида ўзини диндор ҳисоблаган айрим кишилар «Бу ерни бўшатинг» деб айтишяпти ҳам. Лекин нега? Ахир, Улуғбек, Шердор, Тиллақори мадрасалари халққа хизмат қилаяпти-ку?

Бу оддий ҳақиқатни кўпчилик тушунганга ўхшайди...

Ж. МАМАТОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

• *Депутатлар группаси фаолияти*

ОРОЛ: ҚАРЗНИ УЗИШ ПАЙТИ КЕЛДИ

Сув кам бўладими, кўп бўладими, ҳар йилги ирригация вазияти яхши бўладими, ёмон бўладими, бундан қатъи назар Оролга қолган-қутган сувлар эмас, балки дарёлардан 8,7 куб километр сув оқизилиши, у ўз насибасини кам — кўстсиз тўла олиши керак. Дарҳақиқат, КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг «Орол денгизи районида экологик ва санитария вазиятини тубдан яхшилаш, унинг ҳавзасида сув ва ер ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш ва уларни муҳофаза этишни кучайтириш тўғрисида»ги қарорида ҳам худди ана шу назарда тутилган. Ҳар йили сув ресурслари тақсимланаётганида Оролга қуйилиши керак бўлган ҳажмдаги сувни ажратиб қўйиш керак. Денгиз улушини қийиб келдик, энди буни қайтариш вақти келди.

Қорақалпоғистон пойтахтида бўлиб ўтган депутатлар группасининг мажлисида масала худди ана шу тахлитда қўйилди, депутатларнинг ушбу группаси Орол денгизини асраш ва шу денгиз ҳавзасида санитария ва экология вазиятини соғломлаштиришга қаратилган тадбирларнинг бажарилишини назорат қилмоқда. Мажлисни депутатлар группасининг раҳбари, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг иккинчи секретари В. П. Анишчев олиб борди.

Депутатлар илгари берилган топшириқлар қандай бажарилаётганини, партия ва ҳукуматнинг Орол ва Оролбўйи хусусидаги қарорларидан келиб чиқадиган планлар ва режалар қандай амалга оширилаётганлигини кўриб чиқдилар.

Қаттиқ ва принципиаллик билан гаплашиб олинди. Депутатлар группаси берган топшириқлар умуман бажарилаётган бўлса ҳам, раҳбарларнинг ҳисоботларида таъкидланганидек, қурилиш ташкилотлари ва бошқа ташкилотлар ишларнинг пландаги ҳажмларини кўп ҳолларда ошириб бажаришаётган бўлса ҳам мажлис аҳли қуйидаги қатъий хулосага келди: аҳвол сира-сира қаноатланарли эмас, партия ва ҳукумат қўйган вазифалар дуруст бажарилмаяпти.

Дарҳақиқат, агар маълумотномага қараб фикр юритадиган бўлсак, «Аралводстрой» ихтисослаштирилган қурилиш бирлашмаси коллективи зарбдорларча ишлаяпти, дейиш керак бўлур эди: биринчи ярим йилликка мўлжалланган кўпгина кўрсаткичлар юз процент ва бундан ҳам ошириб бажарилаяпти. Аммо, мажлис қатнашчиларидан бирортаси ҳам, жумладан ҳисобот билан чиққан бирлашма бошлиғи М. А. Сарсеновнинг ўзи ҳам бу ишга ижобий баҳо беришга журъат этолмади.

«Аралводстрой» маблағларни ўзлаштириш жиҳатидан энг йирик ташкилотдир, илгари Қорақалпоғистон территориясида ишлаган бир нечта трестлар бунчалик кўп иш бажармас эди. Самара хусусида гапирадиган бўлсак, ҳали вазиятни яхшилашга ёрдам берадиган, Орол бўйида оғир аҳволда яшаётган кишиларнинг турмуш шароитини енгиллаштирадиган амалда бирор иш қилингани йўқ. Сув йўлларими? Қуриляпти. Чучук сув ускуналарими? Монтаж қилиняпти. Социал объектларчи? Улар ҳам қуриляпти. Булар қачон ишга туширилади-ю, қачон одамларга реал фойда келтиради. Бу саволларга жавоб бериш мушкул. Қурувчиларга инсон манфаатларини ўйлаб, конкрет натижаларни ўйлаб иш юритиш етишмаяпти. Юмшоқроқ қилиб айтадиган бўлсак, планлар қурувчиларни қийнаб қўяётгани йўқ, куч ва маблағлар ҳамон сочиб юборилмоқда. Титул рўйхатларига бир нечта эмас, ҳатто ўнта ҳам эмас, юзлаб қурилишлар киритилган.

Бу танқидий мулоҳазалар юқорида номи зикр этилган бирлашмагагина дахлдор эмас. Республика агросаноат қурилиши бошқармаси, «Узбекгидроэнергострой», Ўзбекистон ССР Давлат қурилиш комитети ҳам бу ҳақда ўйлаши керак. Депутатлар группасининг аввалги мажлисида давлат қурилиш комитети ҳисобот берганида ушбу идора раҳбарлари ўз ишларига танқидий баҳо бермаётганликлари, аҳвол чуқур таҳлил этилмагани, вазифа уқиб олинмаганлиги хусусида жиддий фикр-мулоҳазалар айтилган эди... Лекин бу галги мажлисда шу нарса равшан бўлдики, зарур хулосалар чиқарилмабди. Яна ўша ўзига-ўзи ҳисоб бериш, яна ўша дурустгина рақамлар тилга олинди. Аммо, партия ва ҳукумат Қорақалпоғистон тўғрисида чиқарган қарорларда назарда тутилган бирор объект ҳам ишга туширилмабди.

Партия ва ҳукуматимизнинг Орол ва Оролбўйи хусусидаги қарорларини бажариш билан боғлиқ бўлган жами ишларни моддий-техник жиҳатдан таъминлашда вужудга келган аҳвол мажлисда ўткир муҳокама қилинди. Қурувчилар фаолиятини адолатли танқид қилар эканмиз, шуни тан олиш керакки, таъминот оқсаб қолаётгани уларнинг куч-ғайратлари йўлида ғов бўлмоқда, баъзан эса уларнинг меҳнати зое кетмоқда.

Ҳозир бу ердаги қурилишларда ҳамма нарса тақчил. Цемент ва ғишт, ёғоч-тахта, тунука ва пардозлаш материаллари, ҳар хил қувурлар етишмаяпти... Депутатлар моддий-техника таъминотини ўша бадном бўлган «эришилган даражага қараб» планлаштиришнинг чуви чиққан методлари вазифаларни бажаришга ва иш манфаатларига жавоб бермаётганлигини, айниқса уй-жойларни ободонлаштириш ёки коммунал шохобчаларни ривожлантиришда ўша вазифалар ва иш манфаатларига жавоб бермаётганлигини қораладилар. Ҳамонки шундай экан, ҳозир Қорақалпоғистондаги овуллар ва қишлоқларда канализация йўқ экан, бу ишни олға силжитиш мумкинми, деган савол берилди.

Депутатлар группаси Ўзбекистон ССР Давлат таъминот комитетига, шу комитет раиси Т. Я. Шариповга тегишли топшириқ берди. Орол регионида амалга оширилаётган барча тадбирларни моддий-техник жиҳатдан таъминлашни албатта биринчи навбатда ташкил этишни масъулиятни ҳис этиб, пухта ўрганиб чиқишни таклиф этди. Депутатлар группаси иш бошлаган пайтдаёқ ана шу масала кўтарилган эди. Шу хусусда пухта келишиб ҳам олинди... Аммо шунга қарамасдан, ўша аҳдлашувлар, бизда кўпинча учраб турганидек, бошлиқларнинг кабинетларида, чиқарган фармойишлар ва инструкциялар ичида «кўмилиб» қолди.

Бюрократик тўсиқлар, эскича фикр юритиш асоратлари, субутсизлик партия ва ҳукуматнинг Орол ва Оролбўйи хусусида чиқарган қарорларини амалга ошириш йўлида сезиларли тўғаноқ бўлиб қолмоқда. Депутатлар группасининг мажлисида Қорақалпоғистон АССР Министрлар Советининг Раиси С. Д. Ниетуллаев сўзга чиқиб, экологик ва социал масалаларни ҳал этишдаги бугунги кескинликни кўрсатувчи бир қанча мисолларни тилга олди.

Санитария аҳволи ғоят хатарли бўлиб турибди. Ёз ойларида аҳолини ичимлик сув билан таъминлаш айниқса мушкул бўлиб қолди. Юқорида таъкидланганидек, янги водопроводларни ишга тушириш ҳар хил объектив ва субъектив сабабларга кўра пайсалга солинмоқда. Шу йилнинг олти ойи мобайнида сувни чучуклаштирувчи тўртта қурилма фойдаланишга топширилди. Бу йил жами бўлиб, яна 90 та ана шундай қурилма фойдаланишга топширилиши керак. Оролбўйи территориясида 37 та ер ости суви манбаи аниқланди, бу манбалардаги сув миқдори ичимлик сув муаммосини ҳал этишга кўп жиҳатдан ёрдам берган бўлур эди. Аммо бу ишни ўз зиммасига олиб, тегишли лойиҳа ечимлари ва инженерлик ишланмаларини тайёрлашга қодир бўлган ташкилот топилмаяпти.

Россия Федерацияси ва Ўзбекистон соғлиқни сақлаш хизматлари хайрли ишга қўл уриб, Қорақалпоғистонга бир гуруҳ шифокорларни юбордилар. Улар бу ерда жуда катта фойдали иш қилмоқдалар. Аммо, ҳар қалай, ҳали ҳал бўлмаган масалалар кўп. Шулардан бири ёз ойларида болалар ва кўп болали оналарнинг дам олишини ташкил этишдир. Автоном республикадан ташқарида жойлашган санаторийлар, пионер лагерлари ва бошқа соғломлаштириш муассасаларига ҳозирча кўп одам боргани йўқ. Автоном республикада соғлиқни сақлаш базаси суст ривожланмоқда. Шу база партия ва ҳукумат қабул қилган қарорларга мос бўлиши учун куч-ғайратларни қатъият билан активлаштириш лозим бўлади. Яна бошқа долзарб социал масалаларни ҳам айтиш мумкинки, бунда энг аввало мактабгача тарбия болалар муассасалари, мактаблар қурилиши ҳам ташвишга солмоқда.

Депутатлар группаси мажлисининг қатнашчилари бошқа долзарб муаммолар ва масалаларни ҳам муҳокама қилдилар. Партия ва ҳукуматнинг Орол ва Оролбўйига тааллуқли қарорларини амалга оширишга дахлдор бўлган жами ишларнинг самарадорлигини ошириш йўллари белгиланди.

А. БАРАНОВ,
ЎзТАГ махсус мухбири.
Нукус.

Ўзимизга ҳам, қўшниларга ҳам

✦ Сирдарё районидаги барча хўжаликлар эндиликда қимматбаҳо озуқа экини перко уруғлиги билан тўла таъминланганлар.

«Шоликор» совхозининг ўримни эндигина тугатган ва ҳозирча шу танқис уруғликдан мўл ҳосил йиғиб олган Иннокентий Ни бошлиқ хўжалик ҳисобидаги звено аъзолари шундай қилишга муваффақ бўлишди.

Хусусан уруғликнинг етишмаслиги сут чорвачилиги яхши ривожланган районда перко майдонларини кўпайтиришга имкон бермаётган эди. Олти гектар майдонга перко эккан «Шоликор» совхозининг озуқа етиштирувчилари ана шу муаммони ечиш учун бел боғладилар.

Энди шу майдондан 4,4 тонна уруғлик олинди. Уни олиб кетиш учун райондаги бошқа хўжаликлардан ҳамкасблар келишди. Уруғлик ўзларининг эҳтиёжларига ҳам етади. Совхозда даромад олинадиган янги соҳа пайдо бўлди.

(ЎзТАГ).

ОДАМЛАР ТАШВИШИДА

Шаҳрисабз районидаги В. И. Ленин номли колхоз раислигига Абдунаби Ҳасанов сайланганидан кейин хўжаликда туб ўзгаришлар юз берди. Раис тўрт йил ичида фақат колхоз экономикасини кўтариб қолмай, бу ерда туб социал ўзгаришлар ясашга эришди. У 80 кишилик қурилиш бригадасини ташкил этди. Бу бригада ёрдамида қишлоқ меҳнаткашлари учун 20 та кооператив уй бунёд этилди. Ҳар бир уйнинг нархи 6-7 минг сўм. Янги уйларга кўчиб кирган кишиларни хўжалик қарз билан таъминлади.

Колхозда ғишт заводи ишлаб турибди. Шу ернинг ўзида зарур қурилиш материаллари ҳисобланган терак, қайрағоч ўстириляпти. Тадбиркор раис хўжаликда устахона ҳам ташкил этди. Бу ерда ёғочга ўйиб нақш берадиган усталар меҳнат қилади. Шунинг учун ҳам колхозчиларнинг янги уйлари, чойхона ва бошқа янги иморатлар чиройли қилиб безатилаётир.

Абдунаби Ҳасанов педагогика институтини тугатгунича техникумда қурувчи мутахассислиги бўйича диплом олганди. Ёшлигиданоқ ёғочга нақш солиш санъати билан қизиқарди. Чунки у тажрибали уста хонадонида вояга етди.

Ҳозирги пайтда бригада коллективи бахт уйи биносини қуриб битириш арафасида. Кейинчалик сигирхона ва клуб қурилишига киришилади. Бу объектларнинг лойиҳасини раиснинг ўзи тайёрлади. Натижада анчагина маблағ тежаб қолинди.

Раис Абдунаби Ҳасанов (ўртада), қурувчилар бригадаси бошлиғи Элмурод Эшмуродов (чапда), уруш ва меҳнат ветерани, дурадгор Ғузор Қобилов бахт уйи қурилишида.

Ш. Шаропов сурати.

[ЎзТАГ].

Ўзбекистон ССРнинг Тиллар тўғрисидаги Қонун лойиҳаси—умумхалқ муҳокамасида

МАЪНАВИЯТ КЎЗГУСИ

Ўзбекистон Совет Социалистик Республикасининг Тиллар тўғрисидаги Қонуни лойиҳасида республикамизда яшаётган ҳар бир миллатнинг ўз она тили, фани, маданияти, урф-одати ва миллий анъаналарини тенг ҳуқуқ асосида ривожлантирилишига катта эътибор берилган.

Қонунда «Рус тили миллатлараро муомала воситасидир», деб ёзилган бўлса ҳам кўпчилик боб ва уларнинг моддаларида у яна республикамиздаги давлат тили даражасига кўтариб қўйилганлиги сезилиб турибди. Маълумки, республикамиздаги завод ва фабрикалар, министрликлар, олий ўқув юртлари ва фанлар академияси, ҳуқуқ органлари, партия комсомол, касаба союз ташкилотлари ва бошқа муассасаларда олиб борилаётган сиёсий ва иқтисодий соҳадаги таълим-тарбия ишларининг барчаси узоқ вақтлардан бери кўпроқ рус тилида олиб борилди. Бу эса ўзбек тилининг чекланишига олиб келди. Оқибатда туб аҳоли орасидан етишиб чиқаётган ишчи ва конструктор, инженер ва олим, партия ва совет органлари ходимлари миқдори ҳамда салмоғи Иттифоқ даражасига кўтарила олмади. Табииёт ва техника, қишлоқ хўжалиги ва ер ҳақидаги, иқтисод ва ҳуқуқ, фалсафа ва тарих, филология каби фанлар соҳасида олиб борилган илмий тадқиқот ва ўқув-методик ишлари, ҳисобот, илмий мақола, монография, ихтиро, дарслик, ўқув қўлланма сифатида ўзбек тилида жуда оз миқдорда нашр этилди ёки чоп этилмай қолди. Бу эса, ўз навбатида, миллионлаб ёшларимизнинг юқоридаги фанларни ўзлаштириш ва қизиқишига салбий таъсир этмоқда, мутахассисларнинг билим савияси пасайишига олиб келмоқда.

Юқорида баён этилган фикрларни ҳисобга олиб, Қонуннинг айрим боб ва моддаларига қуйидагича ўзгартишлар киритишни таклиф қиламиз:

1 боб, 3-моддадаги «Ўзбекистон ССР чегарасидан ташқарига жўнатиладиган расмий хат-ҳужжатлар, асосан, рус тилида ёки ҳар икки томон учун мақбул тилда тузилади» жумласи ўрнига **«Ўзбекистон ССР чегарасидан ташқарига жўнатиладиган расмий хат-ҳужжатлар ўзбек ва рус тилларида тузилади»** деб ёзишнинг ўзи кифоядир.

II боб, 8-модданинг охиридаги «Хизмат кўрсатиш соҳаси ходимлари ўзбек тилини ҳам, рус тилини ҳам ўз хизмат вазифаларини бажариш учун зарур бўлган даражада билишлари шарт» жумласи ўрнига **«Хизмат кўрсатиш ходимлари ўзбек тилини, шунингдек, рус тилини яхши билишлари шартдир»**, деб ўзгартириш киритиш лозим.

III боб, 9-моддадаги «Ўзбекистон ССР давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари фаолиятида мажлис ва бошқа кенгашларда қўлланиладиган тил қоида тариқасида ўзбек тилидир» деган жумла ўрнига **«Ўзбекистон ССР давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари фаолиятида кенгаш, конференция, пленум, съезд ва бошқа мажлислар фақат ўзбек тилида олиб борилади»**, деб, шунингдек, «Ҳужжатлар ўзбек тилида, зарурат бўлганда, рус тилида ёзилади» жумласи ўрнига **«Барча турдаги ҳужжатлар, ўзбек тилида ёзилиб, зарурат бўлгандагина рус тилига таржима қилинади»**, деб ўзгартирилиши қонунга аниқлик киритади.

VI боб, 24-моддага **«Эски ўзбек ёзуви ўрта ва олий ўқув юртларида ўқувчиларнинг талабига мувофиқ бирорта чет тили дарси ўрнига ўқитилсин»**, деган жумла киритилса, аста-секин тарихимизни ўрганишни амалга оширган бўлардик.

27-моддадаги «Ўзбекистон ССРда илмий иш тили эркин танланади» деган жумлалар билан бошланувчи сатрлар **«Ўзбекистон ССРда илмий иш тили ўзбек, рус ва бошқа тилларда олиб борилади, илмий иш якунлари эса ўзбек тилида ёки бошқа тилларда ҳимоя қилиниши ҳуқуқи таъминланади»** деб таҳрир қилинишини тавсия этамиз. Бундай деб ёзиш илмий тадқиқот ишларини ва ўқув-методик қўлланмаларини туб аҳоли ўртасида кенг тарғиб қилиш ва келгусида ишлаб чиқаришга жорий этиш учун кенг йўл очиб беради.

XI боб, 39-моддадаги «Ўзбекистон ССРнинг Тиллар тўғрисидаги Қонуни босқичма-босқич жорий этилади» жумласининг аниқлаштирилишини истаймиз.

Бизнингча Қонуннинг «Ўзбекистон Совет Социалистик Республикасининг Тиллар тўғрисидаги қонуни ўрнига «Тил тўғрисидаги Қонуни» деб ўзгартирилса ҳам бошқа тилларнинг ҳуқуқ ва имтиёзи заррача камаймайди. Шунингдек, мазкур қонунни 3 бобга жамлаб, масалан, 1-бобда Ўзбекистон ССРнинг давлат тили ўзбек тили эканлиги, унинг барча имтиёзлари, ҳуқуқий принциплари қонунлаштирилиши зарур. II бобда бошқа тилларнинг ҳуқуқлари ва имтиёзлари ҳақида фикрлар, III бобда эса тил ҳақидаги қонунни бузганлик учун жазолар ва ҳоказолар баён қилинса, у ихчам ва аниқ бўлур эди. Туркистон Маориф Халқ комиссарлиги 1921 йилнинг январида Тошкентда Биринчи ўлка ўзбек тили ва имлоси қурултойини ўтказган эди. Бизнингча, ҳозир ҳам **тилга бағишланган мутахассислар иштирокида худди шундай якуний қурултой ўтказиш мақсадга мувофиқ**, деб ўйлаймиз.

Рус халқи «Славян қўлёзмалари байрами»ни ўтказди. Нега «Турк ёдгорликлари байрами», «Ўзбек тили байрами» каби тадбирларни ўтказишни йўлга қўйиш мумкин эмас?

Ўзбекистон ССРнинг давлат тили ўзбек тили статусига эга бўлиши ва республикамиз территориясида яшовчи бошқа миллатлар тилларини ҳам ривожлантириш ва улар ўртасидаги муносабатларни яхшилашга асос бўлади.

Х. ЭГАМОВ,
Тошкент Давлат маданият институти Ўзбек тили кафедраси мудири, филология фанлари доктори.

О. РИЗАЕВ,
институт СССР тарихи кафедраси мудири, тарих фанлари номзоди, доцент.

Т. РАСУЛОВ,
техника фанлари номзоди, доцент.

КПСС Марказий Комитети 1989 йил март Пленуми қарорлари—ҳаётга!

ИМКОНИЯТ

Сурхон воҳаси меҳнаткашлари мамлакатга 1 миллион тонна сабзавот маҳсулотлари етказиб бериш режасини тузмоқдалар. Бунинг учун, аввало, қишлоқ одамлари дастурхони тўкин бўлиши керак. Ана шунда бозор расталари ноз-неъматларга тўлиб-тошиб туради, маҳсулотнинг анча қисмини марказий шаҳарларга жўнатиш имконияти туғилади...

Ташаббуснинг туғилиши

Область партия комитети биринчи котиби Солижон Мамарасулов «Правда» газетаси мухбирлари билан бўлган суҳбатда: «Сурхондарё ўзига хос қишки сабзавотзорга айланганда бир миллион тонна эртаки сабзавот ишлаб чиқаришга қодир», деб таъкидлади. Бу кўпчиликни ўйлантириб қўйди. Ахир, шу пайтгача неча кенгашу йиғилиш бўлса, нуқул бир шиор ўртага ташланарди: «Олдин область аҳолисини сабзавот, полиз ва мева маҳсулотлари билан таъминлайлик, ортиқчасини эса бошқа шаҳарларга сотайлик!» Марказий матбуотда босилган мулоқот эса бунинг акси эди. Хўш, бу режа бирдан туғилдими, ёки?..

— Улкан режалар бирдан туғилмайди, — дейди обком котиби. — Бу хулосага келгунимизга қадар ўнлаб тажрибали деҳқонлару хўжаликлар раҳбарлари, партия ва совет ходимлари билан суҳбатлашдик. Обком пленуми олдидан зоналарга бўлиб, ҳар 2—3 район вакилларини тўплаб, имкониятларимиз ҳақида фикрлашиб олдик.

Пленумда таъкидланганидек, область деҳқончилигига ўтган даврда миллионлаб сўм маблағ сарфланди. Ишлаб чиқариш фондлари 2,5 марта, техника таъминоти 1,5 марта кўпайди. 46 минг гектар ер ўзлаштирилди, 44 минг гектар майдоннинг мелиоратив ҳолати яхшиланди. Шунча сарфу харажатлардан кейин маҳсулот ишлаб чиқариш кескин юксалиши керак эди. Аслида нима бўлди? Маҳсулот бор-йўғи 25 фоизга кўпайди. Айни пайтда область аҳолисининг ўсиши бир жойда тўхтаб тургани йўқ. Учдан бир қисмга кўпайди. Жамоат тармоғида сабзавот ва гўшт маҳсулотлари ишлаб чиқариш аҳоли ўсишидан 2 марта орқада қолди. Бу аҳвол партия ташкилотини ўйлашга, изланишга мажбур қилмоқда.

Аммо статистика маълумотларига кўз ташлайдиган бўлсак, ҳаммаси жойида. Суғориладиган ер майдонлари ҳосилдорлиги ўсяпти. Ҳар гектардан олинаётган даромад ҳам ёмонмас. Биргина деҳқончилик тармоқларининг ўзидан ҳар йили 250 миллион сўмгача фойда олиняпти. Одамларнинг турмуш шароити эса кўнгилдагидек кўтарилмаяпти. Ахир, даромад кўп бўлгач, меҳнаткашлар яхши яшаши керак эди-ку? Фаровон яшашнинг энг муҳим шартлари — тўкин дастурхон ва муҳташам уй-жой, жаннатмакон ҳовли. Бу муаммони ечишнинг бирдан-бир йўли халқнинг озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган талабини тўла қондиришдир. Сурхондарёликларнинг «Бир миллион тонна сабзавот» ҳақидаги режа ва ташаббуси ана шу талаб нуқтаи назаридан юзага келди.

Областда бу юксак вазифани амалга ошириш учун дастлабки қадамлар ташланмоқда. РСФСРнинг бир қанча нефть бирлашмалари вакиллари бу ерга келдилар. Улар билан ўн йил муддатга шартнома тузилди. Катта газ қувури ҳадсиз-ҳисобсиз газни шу воҳа орқали ҳатто Уралга қадар элтади. Бироқ, аҳолининг учдан бир қисми ҳали ҳам шу «эшик олдидан оқиб ўтаётган зангори олов»дан баҳраманд бўлолганича йўқ. Пул бор-у, қувур топиш амри-маҳол. Шартномага кўра, область сабзавоткорлари уларга ёз неъматлари, улар эса, ўз навбатида, қувур ва бошқа қурилиш материаллари етказиб берадилар. Пировардида, ҳар икки томоннинг ҳам эҳтиёжи қондирилади. Бу шартномага келгуси йилдан амал қилина бошланади.

Аммо область сабзавоткорлари ҳозирнинг ўзидаёқ Россия аҳолисига юзлаб тонна карам ва бошқа маҳсулотлар жўната бошладилар. Келгуси йил эса, масалан, сабзи ўн ҳисса кўп юборилади. Нефтчилар 2,5 минг тонна узум (олдинги мўлжал 800 тонна эди) оладилар. Бошқирдистон, Татаристон, Пермь, Нижневартовск, Сургут ва бошқа районлар нефтчиларига кўплаб қовун-тарвуз, лимон, хурмо, анор юборадилар. Бу маҳсулотлар эвазига область атиги икки йилда 1700 тонна цемент, 1300 тонна битум, 2710 куб-метр ёғоч ва бошқа қурилиш материаллари олади. Хуллас, бундан ҳеч ким ютқазмайди.

Ер баҳоси

Область партия комитети пленуми арафасида бир гуруҳ агросаноат комплекси ходимлари билан ўтказган Давра суҳбат чоғида шундай муаммо ўртага ташланди: «Воҳа аҳолиси бир йилда жон бошига бор-йўғи 14 килограмм картошка истеъмол қилаётир. Бу Иттифоқ кўрсаткичидан 5 марта кам. Сабзавот маҳсулотлари истеъмоли ҳам 2—2,5 марта оз...» Бу, ростдан ҳам кишини ўйлашга мажбур қиладиган ҳолдир.

— Лекин, — дейди область агросаноат комитети раисининг биринчи ўринбосари В. И. Полупанов, — бу жумбоқни мавжуд ички имкониятлар ҳисобига ҳал қилса бўлади. Булар нималардан иборат? Бизда гарчи ер сотилмаса ҳам унинг баҳоси бор. Масалан, ўтган йили ҳар гектар майдон 3 минг сўмдан ошириб даромад берди. Бу ер баҳоси! Назаримда, бу жуда паст баҳо. Ернинг имкониятлари эса катта. Демак, унинг баҳоси ҳам чексиз. Ер имкониятини оширадиган омиллардан бири — алмашлаб экиш. Бу борада бирмунча ишлар қилинди. Бироқ, бу ҳали кам. Ҳозир ҳам кўпгина районларимизда 75 фоизгача майдонда пахта етиштирилаётир. Баъзи далаларда 15—20 йиллаб фақат бир хил экин — пахта экиб келинган.

Бу йил областдаги 16 хўжалик мева, сабзавот ва картошка етиштиришга ихтисослаштирилди. Бошқа колхоз ва совхозлар ҳам сабзавот ишлаб чиқариш планларига эга. Олдин ҳам уларга шундай планлар берилган. Лекин унинг бажарилиши назорат қилинмаган. Айрим хўжаликларда эса сабзавот планларини бажаришнинг ғирром йўллари ўйлаб топилганди. Шунинг учун ҳам бу соҳадаги ўтган уч йиллик план бажарилмади. Шу даврда 81 минг тонна маҳсулот кам ишлаб чиқарилди. Афсуски, шу йилларда сабзавот ва картошка майдонлари 40—70 фоизга кўпайган эди.

Шу ўринда «Ер майдони кўпайган бўлса, нега маҳсулот ишлаб чиқариш камайди?» деган ўринли савол ҳам туғилиши табиийдир. Мутахассисларнинг фикрича, шу пайтгача сабзавотга «ўгай кўз» билан қараб келинди. Унга энг паст ҳосил берадиган ориқ ерлар ажратилди. Оқибатда сабзавот майдонлари кўпайгани билан ҳосилдорлик гектар бошига 31 центнерга камайди.

Воҳада эса ер имкониятини ошириб, гектарига 10—12 минг сўмдан даромад қилаётган сабзавоткорлар оз эмас. Ўтган йили Гагарин райони сабзавоткорлари гектаридан 100 центнердан картошка, ангорликлар 204 центнердан сабзавот маҳсулотлари олдилар. Термиз районидаги бир қатор ижарачилар гектарига 300 центнердан кўпроқ сабзавот маҳсулотлари етиштирдилар. «Шўрчи» совхозида эса ҳар гектар токзордан 8 минг сўмлик маҳсулот олиняпти. Шу хўжаликнинг Отабой Акромов бошлиқ пудратчилари ҳар гектар ер ҳисобига 14 минг сўмлик узум етиштирмоқдалар.

Лекин ўтган йили областдаги хўжаликларнинг учдан бир қисми сабзавот, тўртдан бир қисми картошка, 40 проценти узум тайёрлаш планларини бажара олмади. Воҳа меҳнаткашлари мамлакат олдидаги олган мажбуриятларини адо этишлари учун сабзавот маҳсулотлари ҳосилдорлигини ўртача 250, картошкани — 200, полизни — 400 центнерга етказишлари керак. Маҳсулотни йиғиб олиш ва ташишда унинг исроф бўлишига йўл қўймасликлари лозим. Шунда 1995 йилга бориб, жамоат тармоғида сабзавот — 200 минг, картошка — 30 минг, полиз — 160 минг тоннага етади. Ана шунда аҳоли жон бошига нормадаги миқдорда маҳсулот ишлаб чиқариш таъминланади. Шу ният рўёбга чиқса, шубҳасиз, ер баҳоси ҳам бир даража ошади.

Ихтисослаштириш жумбоқлари

Воҳани узоқ йиллар «Ипак пахта макони», айрим хўжаликларни эса «Пахта фабрикаси» деб атадилар. Буларни-ку турғунлик йилларида берилган ҳавойи баҳолар, дейиш мумкин. Аммо асосий кўпчилик деҳқонлар умр бўйи пахтачилик билан шуғулланиб келганлар. Улар ўз севган касбларини бир томонга суриб қўйиб, дарров сабзавоткор бўлиб қолармиканлар? Аслида-ку, бу қийин жараён. Бироқ, бу айни пайтда осон ҳам. Биз суҳбатлашган мутахассислар шундай фикрдалар. Чунки пахтакорлик билан сабзавоткорлик ўртасида жуда катта фарқ йўқ. Ҳар икки касб эгаси ҳам ерга уруғ экиб, зироат ундиради. Шунинг учун бўлса керак, ҳозир кўпгина пахтакорлар ўз далаларининг бир парча жойида сабзавот маҳсулотлари етиштиришга киришганлар.

Бошқа бир мисол. Термиз районидаги «Октябрь 40 йиллиги» колхозида К. Громницкий бундан икки йил олдин ижарачилар бригадасини тузди. У дастлаб ялиниб-ёлвориб, бригадага 8 оилани жалб қилди. Улар шу пайтгача пахтачилик бригадасида ишлаб келган деҳқонлар эдилар. Биринчи йили 16 гектарда карам, 8 гектарда картошка етиштирдилар. Ҳосилдорлик ҳам, даромад ҳам ёмон бўлмади. Сабзавоткорлар ҳамёни пул кўрди. Иккинчи йили унга 31 пахтакор ариза кўтариб келди. Ҳозир ҳар бир ижарачи минг сўмга қадар ойлик иш ҳақи олаётир. Пахтачиликда эса 80—150 сўмдан ошмайди.

Бу ихтисослашишнинг дебочалари. Келгусида областда 40 минг гектар майдонда сабзавот махсулотлари етиштириш мўлжалланяпти. Бу ҳозиргидан бир неча ўн баравар кўп. Янгилик қачон ўзига йўл очади? Шароит бўлганда. Сабзавоткорлар эса ҳозирча ҳамма ишни қўлда бажараётирлар. Уруғ, кўчат экадиган, экинни парваришлайдиган, ҳосилни йиғиб-териб оладиган техника йўқ. Ижарачилар раҳбарлардан кичик тракторлар, маҳсулотни қайта ишлайдиган кўчма цехларни топишда ёрдам беришни сўрайдилар. Улар маҳсулотни узоқ муддат сақлаш имкониятини берадиган музхоналар қуришни талаб қилаётирлар. Аммо уларнинг талаб ва илтимослари ҳаливери бажарилмаса керак.

Областдаги қайта ишлаш корхона ва цехлари ҳатто ҳозирги мавжуд озгина маҳсулотни ҳам талабга яраша қайта ишлаш имкониятига эга эмас. Уларнинг биронтаси ҳам консерва ва шарбат тайёрлаш планларини бажаргани йўқ. Бу ўзибўларчиликка қачон барҳам берилади? Қачонгача сабзавоткор пешона тери билан етиштирилган маҳсулотини магазинма-магазин ташиб юради? Қачон маҳсулотни тайёрловчилар пайкалнинг бошига келиб, қабул қилиб оладилар ва пулини ўша жойнинг ўзида тўлайдилар? Шу ишларни йўлга қўйиш мумкинми? Ҳозирча бу саволларга аниқ жавоб топиш қийин.

Ихтисослашишда областнинг ўзига боғлиқ бўлмаган бир қатор жумбоқлари ҳам бор. Областда апрель ойидан бошлаб эртаки карамни узишга киришилади. Ана шунда машаққат бошланади. Темир йўл станциялари олдида карам ортган машинаю тракторлар турнақатор бўлиб қолади. Махсус вагонлар етишмайди. Сабзавоткорлар уч-тўрт кун, ҳатто бутун ҳафта давомида ҳам маҳсулотни топширолмайдилар. Бу эса маҳсулот сифатига жиддий путур етказади. Баъзан карам ёки қовун-тарвуз, узум юкланган вагон 15—20 кунда ҳам Москва ёки Узоқ Сибирга етиб боролмайди. Шунинг учун ҳам область сабзавоткорлари мамлакатни сервитамин маҳсулот билан узлуксиз таъминлаш учун граждан авиацияси ёрдамга келиши керак, демоқдалар.

Гўштсиз таом... таомми?

Умуман олганда, областда гўшт ишлаб чиқариш йил сайин ўсиб бораётир. Сут, тухум ишлаб чиқариш ҳам кўпайган. Лекин бу маҳсулотларнинг кўп ёки озлигини дастурхонга қараб баҳолайдилар. Колхоз бозорларида эса қўй гўштининг килоси 7—8 сўм, мол гўштиники 5—6 сўм. Шунинг учун ҳам эришилган натижалар ҳеч кимни қаноатлантираётгани йўқ. Областда ҳар 100 гектар ҳайдаладиган ер ҳисобига нормадаги 20 бош ўрнига айрим районларда 6—10 бошдан сигир тўғри келади. Ўтган йили жон бошига бор-йўғи 28 килограммдан гўшт ишлаб чиқарилди. Бу гўштга бўлган талабни 46 фоиз қондиради холос. Сут, тухум эҳтиёждагидан 40—50 фоиз кам бўлди. Кўпгина хўжаликлар гўшт, сут тайёрлаш бўйича шартнома мажбуриятларини бажармадилар.

Бунинг сабаби нимада? Областда емиш кўп-у, аммо ем йўқ. Ем деганда донни назарда тутяпмиз. Бу ерда ғалла ҳосилдорлигини ёмон, деб бўлмайди. Айрим хўжаликлар ҳар гектар суғориладиган майдондан 40 центнерга етказиб ғалла олаётирлар. Маккажўхори дони гектарига 50—60 центнерни ташкил қилади. Аммо чорвадорлар областда ишлаб чиқарилган шу доннинг жуда оз қисмига эга бўлади.

Яна бир гап. Пахта қайта ишланганда ундан тўйимли озуқа — чигит пўстлоғи ва кунжара ажралади. Областдаги пахтани қайта ишлаш корхоналарида ҳар йили 180 минг тонна шундай озуқа чиқарилади-ю, бунинг атиги 4 минг тоннаси областда қолади. Афтидан гўшт, сут муаммоси жиддий бўлиб турган ҳозирги шароитда бундай ҳолга чек қўйиш керак.

Қўшимча тармоқлар

Аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш ва бу соҳадаги танқисликни бартараф қилишда ёрдамчи хўжаликлар ва томорқа хўжалигининг имкониятлари ниҳоятда катта. Областда бир йиллари ёппасига ёрдамчи хўжалик ташкил қилишга киришилган эди. Бироқ кейинчалик турли сабаблар билан уларнинг бир қисми тугаб кетди. Ҳозир 109 та ёрдамчи хўжалик бор. Улар ўтган йили 540 тонна гўшт, 310 тонна сабзавот, анчагина сут, картошка, полиз маҳсулотлари ишлаб чиқардилар. Ёрдамчи хўжаликлар ихтиёрига 8200 гектар ер ажратиб берилган.

— Уларнинг имкониятлари катта-ю, аммо озиқ-овқат муаммосини ҳал қилишда ҳаракатлари ҳали жуда суст, — дейди область агросаноат комитети раисининг ўринбосари Ш. Бобомуродов. — Биз яқинда бу тармоқдаги аҳволни ўрганиб, ёрдамчи хўжаликлар бошлиқлари иштирокида семинар-кенгаш ўтказдик. Ангор районидаги ремонт-ишлаб чиқариш корхонаси ёрдамчи хўжалигида ҳар бош сигирдан йил давомида 150 килограмм сут соғиб олинган. Область газлаштириш бирлашмасида бир товуқ бор-йўғи 69 дона тухум берибди. Ёки область суғориш тармоқлари бошқармасида қорамолларнинг бир неча-кундуздаги семириши 93 граммни ташкил қилади. Айрим ёрдамчи хўжаликларда гектаридан 2,5 центнердан дон, 20 килограммдан картошка олинган.

Чорва мутахассисининг куюнганича бор. Бироқ назоратни кучайтириш билан маҳсулот кўпайиб қолмайди. Ёрдамчи хўжаликларга ёрдам ҳам керак. Уларга озуқа жамғаришда кўмаклашиш, ғалла ва омухта ем етказиб бериш чоралари кўрилиши муҳимдир. Бу борада ғамхўрлик қилинмас экан, уни ривожлантириш ҳам мушкул.

Областда шу йилдан бошлаб «Томорқа хўжалиги қанча маҳсулот етиштиради», деган саволга жавоб излана бошланди. Томорқа қишлоқ хонадонини боқадиган асосий манба. У бекиёс резерв ҳам. Бу ерда ўз томорқасида мол боқиб, ҳар йили 2 тоннага қадар гўшт ишлаб чиқараётган оилалар бор. У, барибир, ўз йўналишида ривожланаётир. Шунинг учун ҳам, масалан, деновликлар томорқаларида кўпроқ карам эксалар, шўрчиликлар молга бериш учун маккажўхори экадилар. Энди улар билан ҳам маслаҳатлашишга тўғри келади. Бунда тайёрлов органлари ходимлари фаол ишлашлари керак. Улар ҳар бир хонадонга кириб, шартномалар тузсинлар. Шартномада қайси оила қандай турдаги маҳсулотни қачон ва қанча миқдорда етказиб беради — аниқ кўрсатилиши лозим. Шундай қилинган тақдирда бунинг самараси ёмон бўлмасди. Бироқ, бу муҳим ишда ҳали-ҳануз тартиб йўқ. Тайёрловчилар ёз ойларида сал-пал ишлагандай бўладилар-у, кейин нима қилишни билмай юраверадилар. Шунинг учун ҳам кўплар уларнинг ишидан норози.

Н. ҲАЙИТҚУЛОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.



АҲОЛИГА МЕДИЦИНА ХИЗМАТИ

Орол денгизи районидаги ноқулай экологик шароит натижасида кишилар соғлиғига анча зарар етмоқда. Шу сабабли аҳоли соғлиғини сақлаш муҳим масалалардан бири бўлиб турибди. Бунинг учун аҳолини кўрикдан ўтказиш давом этяпти. Маҳаллий медицина ходимларига Тошкент шаҳридан ва республика областларидан келган 46 та махсус бригада ёрдам бераётир.

Бу ишда Урганч районидаги болалар поликлиникаси коллективи муайян ишларни амалга оширяпти. Яқинда район сув хўжалиги бошқармаси биноси реконструкция қилиниб, поликлиника ихтиёрига берилди. Энди бу ерда янги бўлимлар очилди. Тезда диагноз қўйиб, самарали даволаш чораларини кўришга ёрдам берадиган янги ускуналар ўрнатилди. Буларнинг барчаси аҳоли саломатлигини мустаҳкамлашга хизмат қилиши шубҳасиз.

Даволаш физкультураси бўйича инструктор Қутлимурод Матрасулов болалар билан машғулот ўтказяпти.

Қ. Отаев сурати.
(ЎзТАГ).

ҲАЁТ ИЗГА ТУШМОҚДА

НОВИЙ УЗЕНЬ. (Гурьев области), 7 июль. (ТАСС мухбири). КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Раиси М. С. Горбачев Марказий телевидение орқали нутқ сўзлаб, миллатлараро муносабатларга оид муаммоларни ҳал этишда мамлакатнинг ҳозирги ва келажак авлодлари олдидаги буюк масъулиятни ҳис этишга даъват қилганлигини Новий Узень аҳли тушуниб кутиб олди ва шунга яраша иш тутмоқда. Шаҳарда ва унинг атрофидаги посёлкаларда аҳволнинг нормаллашганлиги шундан далолат бериб турибди. Шу яқин орада комендантлик соати ҳам бекор қилиниши керак.

Барча саноат ва автотранспорт корхоналари, шаҳардаги хизмат бўлинмалари, мактабгача тарбия болалар муассасалари ишлаб турибди. «Узеньнефть» газ қазиш бошқармаси, газни қайта ишлаш заводи сингари етакчи корхоналарда ва бошқа кўп завод-фабрикаларда маҳсулот ишлаб чиқариш илгариги даражага етди.

— Оғир шароитда ишлаб, ўлканинг нефть манбаларини очаётган турли миллатларга мансуб ишчилар социал кескинликни авж олдиришни сира-сира истамайдилар, деб таъкидлади бурғилаш мастери, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони А. Ерёмин. — Ҳозир мураккаб даврни бошимиздан кечирмоқдамиз, шу боисдан ҳам бирлик зарур.

Шаҳарда тартиб бузувчилар жуда камайди. Маиший негиздагина тартиб бузишлар бўлиб турибди, холос. Милиция ва ҳарбий хизматчиларнинг серҳаракат группалари меҳнат коллективлари ҳузурида бўлишиб, кенг тушунтириш ишлари олиб бормоқдалар. Бу ишда уларга «Бирлик» ва «Солидарность» комитетларининг аъзолари ёрдам бермоқдалар. Улар биргаликдаги фаолиятнинг программасини ишлаб чиқишган. Улар ишнинг кўзини билиб ҳаракат қилишгани туфайли ҳам Кавказда яшайдиган миллатларга мансуб кишиларнинг шаҳарни ташлаб чиқиб кетиши камайди.

Шаҳар ижроия комитетининг қарори билан 9 та кооператив ёпилди, шулардан 7 таси савдо ва харид билан шуғулланадиган кооператив эди.

ТОҒЛИ ҚОРАБОҒДАГИ ВОҚЕАЛАРГА ДОИР

Кейинги кунларда Степанакертдаги вазият бирмунча чигаллашди. Тоғли Қорабоғ юзасидан СССР халқ депутатлари съездининг қарорига биноан тузилган комиссиянинг автоном областга келиши кутилаётганлиги муносабати билан муайян доиралар унинг ишини барбод қилишга, шу мақсадда вазиятни издан чиқаришга, арман ва озарбайжон аҳолиси биргаликда яшаб турган жойларда бир амаллаб сақлаб турилган тинчликни бузишга уринмоқдалар.

Бўлиб ўтаётган митингларда уларнинг асосан забастовка оқибатида келиб чиқаётган моддий қийинчиликлар азобини тортмаётган ташкилотчилари меҳнаткашларни забастовкани «ғалабагача» давом эттиришга, шунингдек ҳар кунги кўча юришлари, митинглар ва ўтириб олиб намойиш ўтказишлар йўли билан ҳокимият органларига зўравонларча тазйиқ ўтказиш тактикасини қўллашга чақирмоқдалар.

Аҳолининг ҳам армани, ҳам озарбайжон қисмидан бўлган гиж-гижловчилар ўзга томоннинг тажовузкорлигини, у билан бирга яшаш иложи йўқлигини кўрсатиш учун вазиятни қасддан кескинлаштирмоқдалар. Гўё тинч аҳолига ҳужум қилишга тайёргарлик кўрилмоқда, деган миш-мишлар тарқатилмоқда. Номаълум кишилар телефон қоқиб, оммавий ур-йиқитлар қилинади, деб дўқ урмоқдалар. Бу ҳол гражданларни жуда безовта қилмоқда, аввало область марказидаги вазиятни кескинлаштирмоқда, айниқса йўлларда безори унсурларнинг тажовузкорлиги, жазаваси авж олишига олиб бормоқда. Баъзи аҳоли пунктларига озиқ-овқат етказиб беришда узилишлар бўлиб турибди, телефон ва телеграф алоқаси бузилган. Аҳоли медицина хизмати, пенсия ва нафақалар олиш, омонат банкдаги пулларини қайтариб олиш билан боғлиқ бўлган маиший ноқулайликларга дуч келмоқда.

Степанакерт яқинидаги Киркижон посёлкасида бир йилдан кўпроқ вақтдан буён вазият ҳаддан ташқари таҳликали бўлиб келаётган эди. 6 июлдан 7 июлга ўтар кечаси арманлар билан озарбайжонлар ўртасида оммавий тўқнашув чиқиш хавфи пайдо бўлди. Иккала томондан бир неча соат мобайнида ов қуролидан отишма бўлди, сигнал ракеталари ёрдамида шахсий ва жамоат биноларига ўт қўйишга уриниб кўрилди. Аёллар ва болалар тўполон чиқишидан хавфсираб, посёлкани ташлаб, ўрмонга яширindилар.

Милиция ва ички қўшинлар бўлинмаларининг ҳаракатлари билан можаро тинчитилди, сўнгра эса тўхтатилди. Қурбонлар йўқ. Икки граждан —бир армани билан бир озарбайжон сочма ўқдан енгил яраланди. Шикастланганларга ўз вақтида медицина ёрдами кўрсатилди. Мўътабар органлар шу можаро юзасидан текшириш бошладилар.

Тоғли Қорабоғ автоном областининг алоҳида бошқарув комитети, алоҳида районнинг ҳарбий комендатураси, ҳуқуқ-тартиботни сақлаш кучлари тушунтириш ишлари олиб бормоқдалар ва эҳтиёт чораларини кўрмоқдалар, тартибсизликларнинг ташкилотчилари ва ишбошиларини жавобгарликка тортиш, миллатлараро негиздаги тўқнашувларнинг олдини олиш тадбирларини амалга оширмоқдалар, гражданларнинг ҳаёти ва хавфсизлигига таҳлика соладиган ҳар қандай уринишларнинг қатъиян пайини қирқмоқдалар.

Областнинг кўпчилик аҳолиси осойишталик сақламоқда ва ўткир муаммолар демократик асосда, конституцион йўл билан ҳал этилишига умид қилмоқда.

(ТАСС).

• Дала ишлари кундалиги

ФУРСАТ ҒАНИМАТ

РЕСПУБЛИКАМИЗНИНГ КЎПЧИЛИК РАЙОНЛАРИДА ОЗУҚА ЖАМҒАРИШДА СУСТКАШЛИККА ЙЎЛ ҚЎЙИЛАЁТИР.

Халқимизда моли тўқнинг ўзи тўқ, деган ибора бор. Дарҳақиқат, вақтида ҳаракат қилиб, қиш учун етарли озуқа базаси ярата олган миришкорнинг иши доимо юришаверади. Қамаши, Яккабоғ районлари озуқакорлари омилкорлик билан иш юритиб, дағал хашак тайёрлаш планини бажардилар. Боёвут, Дўстлик, Калинин, Мирзачўл, Косонсой, Учқўрғон, Наманган, Самарқанд, Ленин йўли районларида бу борадаги топшириқ 60—80 процент қилиб адо этилди.

Лекин ем-хашак тайёрлашни ҳамма ерда ҳам яхши деб бўлмайди. Бу борада Қорақалпоғистон АССР, Хоразм, Фарғона областларида жиддий камчиликка йўл қўйилмоқда. Бу областларда озуқа жамғариш плани эндигина 27—36 процент қилиб уддаланди.

Сурхондарё области колхоз ва совхозлари ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 180 минг тонна, Қашқадарё области хўжаликлари 130 минг тонна, Самарқанд области хўжаликлари 112 минг тонна, Тошкент области хўжаликлари 75 минг тонна ва Фарғона области хўжаликлари 70 минг тонна кам ем-хашак жамғарганликларини ҳеч нарса билан оқлаб бўлмайди. Мазкур областлардаги кўплаб район агросаноат бирлашмалари раҳбар ва мутахассислари бу йилги юзага келган аҳволни жиддий таҳлил этишмаяпти.

Беда пичани моллар учун тўйимли озуқа ҳисобланади. Шунга қарамай, Самарқанд, Хоразм, Фарғона, Қашқадарё, Бухоро ва Тошкент областларининг колхоз ва совхозларида бедани намунали парваришлаш ва уни ўз вақтида йиғиштириб олиш ўз ҳолига ташлаб қўйилаётир.

Ҳаммага беш қўлдек аён бўлган мана шу оддий ҳақиқатнинг унутиб қўйилганлиги туфайли Сирдарё, Бухоро, Фарғона, Тошкент областларида беданинг биринчи ўримида ўтган йилдагига қараганда 7—12 центнер кам ҳосил олинди. Риштон, Қарши, Навоий, Нурота, Зомин, Янгиер, Октябрь районларида ҳар гектар ердан 18—23 центнер ҳосил олинди, холос.

Фақатгина ҳосилдорликнинг пасайиши ҳисобигагина Самарқанд областида беданинг икки ўримидан 67 минг тонна, Тошкент областида 65 минг тонна, Сирдарё областида 64 минг тонна, Бухоро областида 34 минг тонна, Фарғона областида 27 минг тонна кам пичан олинди.

Ғузор, Амударё, Беруний, Деҳқонобод, Қамаши, Оқдарё, Нарпай, Жарқўрғон, Хива, Янгиариқ, Оржоникидзе районлари хўжаликларида пичан тайёрлашда, айниқса жиддий нуқсонларга йўл қўйилаётир. Шу туфайли ҳам бу хўжаликларда пичан жамғариш топшириғи эндигина 6—15 процент бажарилди.

Айрим хўжаликларнинг раҳбарлари сифатли озуқа жамғаришга мутлақо эътибор беришмаяпти. Масалан, Ўрта Чирчиқ районидаги Энгельс номли колхозда ўрилган беда 10 кундан ҳам ошиқ вақт мобайнида далада қолиб кетди ва у ўз сифатини йўқотди. Беруний районидаги Беруний номли совхозда сон кетидан қувиб, намлиги 35—40 процент бўлган беда жамғарилди.

Йўл қўйилган ана шундай камчиликлар туфайли жами жамғарилган пичан ҳажмида биринчи класс салмоғи Қорақалпоғистон Автоном Республикасида 36 процентни, Сирдарё областида 45 процентни ташкил этди, холос. Элликқалъа районидаги «Қирққиз» колхозида жамғарилган пичаннинг жами учинчи классга тўғри келади. «Дўстлик» колхозида эса 37 процент пичан умуман ҳеч қандай классга тўғри келмайди.

Кўп жойларда озуқа экинлари ўстирилаётган майдонлар эътибордан четда қолмоқда.

Кўриниб турибдики, республикамизда озуқа жамғариш суръати ҳам, сифати ҳам талабга жавоб бермайди. Шу туфайли ҳозиргача планнинг 45 проценти миқдорида дағал хашак жамғарилди. Бу ўтган йилги кўрсаткичдан 733 минг тонна камдир. Демак, вазият йўл қўйилган нуқсонларни жиддий таҳлил этиб, бундан буёнги ишларни намунали уюштиришни тақозо қилмоқда. Акс ҳолда етарли миқдорда озуқа жамғарилмай чорвачиликни ночор аҳволга тушириб қўйиш мумкин.

Ю. ШКРЯБИН,
республика Давлат агросаноат комитети озуқа экинлари етиштиришни ташкил этиш ва ривожлантириш бошқармаси бошлиғи.

ПЕШҚАДАМЛАР

Риштон районидаги «Риштон» совхозида бошқа соҳалар билан бир қаторда чорвачилик ҳам шахдам одимлар билан ривожланмоқда. Шунинг учун ҳам хўжаликда гўшт, сут тайёрлаш топшириқлари доимо ортиғи билан адо этилаётир.

Фермада эришилаётган муваффақиятларнинг сири нимада, деб сўрасангиз, аввало, меҳнатнинг тўғри ташкил этилганлиги, қолаверса одамларга ғамхўрлик кўрсатилаётганлигида, дея жавоб беришади. Дарҳақиқат, хўжаликда ферма ходимларининг унумли ишлашлари ва мароқли дам олишлари учун барча шарт-шароит муҳайё. Социалистик мусобақанинг оммавийлиги, таъсирчанлиги таъминланган. Ишловчиларнинг касб маҳоратларини оширишга катта эътибор берилияпти.

Шунинг учун ҳам бу ерда ўз касбининг устаси бўлган моҳир чорвадорлар кўпчиликни ташкил этади. Совхознинг бир группа сигир соғувчилари республика конкурсида қатнашиб, фахрли иккинчи ўринни олганликлари ҳам фикримизни яққол исботлаб турибди.

Жамоатчи фотомухбиримиз У. Қўшвоқов олган суратда конкурс ғолиблари: Феруза Ашурова, Мавжуда Матмусаева, Хидоят Эргашева, Одинахон Тўхтасиновалар акс эттирилган. Улар айни кунларда ҳам бор маҳоратларини ишга солиб, ўз боқимларидаги говмишларнинг ҳар биридан 10-11 килограммдан серқаймоқ сут соғиб олишяпти.

Бугун—Балиқчилар куни

ОВИНГИЗ БАРОРИДАН КЕЛСИН

Бугун халқимиз йигирма бешинчи марта Балиқчилар кунини нишонламоқда. Маълумки, совет балиқ саноати мамлакат индустриясининг ривожланган тармоқларидан бири. Унинг Озиқ-овқат программасини рўёбга чиқаришдаги ўрни катта. Балиқ саноати ходимлари ўз маҳсулотларини халқ хўжалигининг эллик олти тармоғига етказиб беришяпти. Булар орасида химия, медицина, тўқимачилик, чарм, мўйна, парфюмерия корхоналари бор. Айни пайтда улар чорвачиликнинг озуқа базасини мустаҳкамлашга дурустгина ҳисса қўшиб келаётганликлари билан фахрлансалар арзийди.

Илгари бўлганидек, ҳозир ҳам барча мамлакатлар кемалари учун Жаҳон океанининг бир қисми балиқ овлашнинг энг йирик райони бўлиб қоляпти. Юз минглаб кишилар совет балиқ овлаш флоти кемаларида Жаҳон океанининг барча кенгликларида ва энг олис районларида балиқ овлашяпти.

Балиқ маҳсулотларини кўпайтиришда мамлакат ичкарисидаги сув ҳавзаларида балиқ овлаш, завод усулида балиқчилик қилиб товар маҳсулот етиштириш бебаҳо резервдир. Шу маънода республикамиздаги мавжуд бирқанча сунъий кўлларда вужудга келтирилган балиқчилик хўжаликларининг коллективлари ҳормай-толмай меҳнат қилмоқдалар. Шулардан бири — Бўстонлиқдаги экспериментал форель (гулмоҳи) хўжалигидир. Унинг ташкил этилганига ўн беш йил тўлди. Хўжалик меҳнаткашлари ўн иккинчи беш йилликнинг тўртинчи йилида тошкентликлар дастурхонига 20 тоннадан зиёд балиқ етказиб бериш мажбуриятини олишган. План ва топшириқларнинг бажарилишига корхонанинг илғор балиқчиларидан Тожигул Пўлатова, Зулмина Сулаймоновалар (юқоридаги сурат) ҳам муносиб ҳисса қўшишяпти. Улар ўзларининг навбатдаги режалари билан хўжалик раҳбари Нуриддин Ғуломовни таништиришяпти. Ўртадаги суратда нодир гулмоҳи балиғини кўриб турибсиз. Учинчи суратда эса бригада бошлиғи Сайфулло Саидкаримовнинг балиқ овлаётганлиги тасвирланган.

Илғор хўжаликлар билан бир қаторда ўз имкониятлари даражасидан паст ишлаётган хўжаликлар ҳам анчагина. Шулар туфайли савдога балиқ ва балиқ консервалари етказиб бериш планлари барбод қилиняптики, бу меҳнаткашларнинг ҳақли норозилигига сабаб бўлаётир. СССР халқ депутатлари съездида балиқчилик саноати шанига билдирилган жиддий танқидий мулоҳазалар ҳам шундан далолатдир.

Тўғри, балиқчиларнинг меҳнати ниҳоятда оғир, аммо шарафли. Яқин йиллар ичида мамлакат балиқчилик хўжаликларини интенсивлаш, янги технологияни жорий этиш кўзда тутилмоқда. Қўл меҳнатини кескин камайтириш, маҳсулотлар турларини кенгайтириш ва сифатини яхшилаш, аҳолининг талаб-эҳтиёжларини тўлароқ қондириш — балиқчилар олдида турган биринчи даражали вазифадир. Шу боисдан:

— Овингиз бароридан келсин, балиқчилар! — деймиз.

Н. МУҲАММАДЖОНОВ суратлари.

ҲЕЧ КИМ, ҲЕЧ НАРСА УНУТИЛМАЙДИ

АҲМАДЖОН ҲАСАНОВНИ БИЛГАНЛАР БОРМИ?

«Бровка номли белорус совет энциклопедияси» нашриёти «Хотира» номли учинчи китобни босмадан чиқарди. Китоб дарҳол китобхонлар диққатини ўзига жалб этди. Бунинг сабаби унинг мазмунан қизиқарлилиги эмас, балки китобнинг қисқа ва ихчам сатрларида чексиз қайғу ва алам ифодаланганлигидир. «Хотира»да Улуғ Ватан уруши йилларида Витебск областининг Толочинск районини гитлерчилардан озод қилишда ҳалок бўлган солдат ва офицерларнинг рўйхати эълон қилинган. Рўйхатлар давлат ва шахсий архив ҳужжатлари, хотиралар, газета ва журнал мақолалари, очерклар, лавҳалар асосида тузилган.

Ўқувчилар ушбу китобда қуйидаги сатрлар билан ҳам танишишлари мумкин:

«Аҳмаджон Ҳасанов, 1921 йилда Ўзбекистон ССРнинг Наманган областида туғилган, катта сержант 3-гвардиячи танк корпуси 18-гвардиячи танк бригадаси автоматчилар батальонининг мотоциклчилар бўлими командири. 1944 йил, 25 июнда ҳалок бўлган. Толочинск районининг Каханово посёлкасидаги совет жангчиларининг қардошлик мозорига дафн этилган».

Бор-йўғи бир неча сатрдан иборат бу сўзларда инсон тақдири, унинг қаҳрамонона ҳаёти ифодаланган. Бу Аҳмаджон Ҳасановнинг номи миннатдор белорус халқи хотирасида яшаётганлигидан гувоҳлик беради.

«Хотира» китоби ўзбек тупроғида туғилиб ўсган яна бир номаълум қаҳрамон — катта сержант Аҳмаджон Ҳасановнинг тақдирига аниқлик киритишга ҳам ёрдам беради

И. КОГАН,
Белоруссия ССРнинг Витебск области, Орша шаҳри.

ТВ: ҲАФТАЛИК ПРОГРАММА

10 ИЮЛЬ, ДУШАНБА

УзТВ-I. 15.00 «Сендан у гина мендан бу гина». Бадиий фильм. 16.25 Советлар мамлакати бўйлаб. 17.30 Абитуриентлар учун. 17.55 Янгиликлар. 18.05 Регби. СССР чемпионати. 18.45 Инсон ва қонун. 20.00 Ахборот. 20.20 Чорвадор. 20.50 Концерт. 21.30 Время. 22.05 Ахборот. 22.25 Реклама. 23.30 Ёшлик.

МТ-I. 7.00 «120 минут». 9.05 Футбол шарҳи. 9.35 «Чангалзорларда, дарёлар тошиб оқадиган жойда». Бадиий фильм. 11.00 Илмий-оммабоп фильм. 16.05 Ҳужжатли фильмлар. 16.55 Бор бўл, музика. 17.30 Объектив. 18.00 Концерт. 18.45 Мультфильмлар. 19.10 Кооперативларнинг Бутуниттифоқ съезди. 19.40 Футбол шарҳи. 20.10 «Ҳукм». Телеспектакль. 21.30 Время. 22.05 Теннис. Халқаро турнир. 23.20 Ёшлар ва студентларнинг жаҳон фестивали кундалиги.

МТ-II. 9.00 Гимнастика. 9.15 Илмий-оммабоп фильм. 9.45 Фильм-концерт. 10.10 Мультфильмлар. 10.25 Халқ чолғулари садолари. 10.55 Итальян тили. 11.25 Болаларга ҳайвонлар ҳақида. 11.55 Реклама. 12.00 Бу дунёни ҳаяжонлантирмоқда. 12.45 Ҳужжатли фильм. 13.00 «Мактаб». Бадиий фильм, 1-серия. 14.05 Совет Иттифоқига хизмат қиламан! 15.05 «Рассом хотинининг портрети». Бадиий фильм. 17.30 Янгиликлар. 17.40 «Вақт кутиб турмайди». Бадиий фильм, 1-серия. 18.55 Чавандозлик. Бутуниттифоқ мусобақаси. 19.40 «Ромео ва Жульетта» балетидан сюита. 20.05 Ҳужжатли фильм. 20.15 Хайрли тун, кичкинтойлар! 20.30 Халқ куйлари. 20.45 Теннис. Халқаро турнир. 21.30 Время. 22.05 «Вақт кутиб турмайди». Бадиий фильм, 1-серия. 23.20 Тонгги почта. 23.50 Футбол. «Металлист» — «Спартак». 00.40 Янгиликлар.

11 ИЮЛЬ, СЕШАНБА

УзТВ-I. 15.30 «Милициядаги ҳодиса». Бадиий фильм. 16.55 Инсон ва табиат. 17.30 Математика. 18.00 Янгиликлар. 18.15 Болалар учун фильмлар. 18.55 А. Ахматова туғилган кунга бағишланган адабий композиция. 19.25 Тил — маданият кўзгуси. 20.00 Ахборот. 20.20 Давр тақозоси билан. 20.50 Концерт. 21.30 Время. 22.00 Ахборот. 22.20 Пахтакорларнинг долзарб вазифалари. 23.00 «Иккиёқлама қувиш». Бадиий фильм.

МТ-I. 7.00 «120 минут». 9.05 «Ҳукм». Телеспектакль. 10.20 Мультфильм. 11.15 Йил фасллари. 12.15 Бу бўлган... бўлганди... 16.05 Концерт. 16.35 Ҳужжатли фильмлар. 17.25 Хор плюс биз. 18.10 Кинопрограмма. 18.55 Мультфильм. 19.10 Шеърият лаҳзалари. 19.15 Дунё воқеалари. 19.30 Ҳужжатли фильм. 19.45 «Деразамдан поездлар ўтгани кўриняпти». Бадиий фильм. 21.30 Время. 22.00 Футбол. «Днепр» — «Динамо» (К). 24.00 Дунё воқеалари. 00.15 Концерт.

МТ-II. 9.00 Гимнастика. 9.15 Илмий-оммабоп фильм. 9.45 Мультфильмлар. 10.15 Концерт. 10.40 Ҳужжатли фильм. 10.55 Француз тили. 11.55 Ҳаракат хавфсизлиги учун. 12.00 Янгиликлар. 12.10 Ритмик гимнастика. 12.55 «Мактаб». Бадиий фильм, 2-серия. 14.00 Концерт. 14.30 «Вақт кутиб турмайди». Бадиий фильм, 1-серия. 15.45 Эстрада программаси. 17.30 Янгиликлар. 17.40 «Вақт кутиб турмайди». Бадиий фильм, 2-серия. 18.55 Ритмик гимнастика. 19.40 Концерт. 20.15 Хайрли тун, кичкинтойлар! 20.30 СССР Олий Совети сессиясида. 21.30 Время. 22.00 «Вақт кутиб турмайди». Бадиий фильм, 2-серия. 23.15 Ҳужжатли фильмлар. 00.15 Янгиликлар.

12 ИЮЛЬ, ЧОРШАНБА

УзТВ-I. 15.05 «Иккиёқлама қувиш». Бадиий фильм. 16.30 «Қўшчинор чироқлари». Видеофильм, 1-қисм. 17.30 Физика. 18.00 Янгиликлар. 18.15 Мультфильмлар. 18.40 Сен ҳақингда ва сен учун. 19.15 Қонун ҳамма учун баробар. 20.00 Ахборот. 20.20 Халқлар дўстлиги — адабиётлар дўстлиги. 20.45 Концерт. 21.30 Время. 22.05 Ахборот. 22.25 Ёшлик.

МТ-I. 7.00 «120 минут». 9.05 Футбол. «Днепр» — «Динамо» (К.). 10.45 Оламга саёҳат. 11.45 Камалак. 16.05 Болалар учун фильм. 17.10 Концерт 17.25 Қишлоқ истиқболлари. 17.55 Концерт. 18.30 Тараққиёт. Ахборот. Реклама. 19.15 Дунё воқеалари. 19.30 Фольклор байрами. 20.00 Резонанс. 21.30 «Время. 22.05 Эстрада программаси. 23.40 Дунё воқеалари. 23.55 Фестиваллар. Конкурслар. Концертлар.

МТ-II. 9.00 Гимнастика. 9.15 Илмий-оммабоп фильм. 9.45 Мультфильмлар. 10.15 Концерт. 10.55 Немис тили. 11.25 Концерт. 11.55 Реклама. 12.00 Янгиликлар. 12.10 Ҳужжатли фильм. 12.25 Немис тили. 12.55 «Мактаб». Бадиий фильм, 3-серия. 14.00 Концерт. 15.05 «Вақт кутиб турмайди». Бадиий фильм, 2-серия. 17.10 Янгиликлар. 17.20 «Шоввоз солдат Швейк». Бадиий фильм. 19.00 Мультфильм. 19.20 Камон отиш. Жаҳон чемпионати. 19.50 Давр ҳақида ва ўзим ҳақимда. 20.15 Хайрли тун, кичкинтойлар! 20.30 СССР Олий Совети сессиясида. 21.30 Время. 22.05 «Шоввоз солдат Швейк». Бадиий фильм. 23.45 Ҳужжатли фильм. 00.35 Янгиликлар.

13 ИЮЛЬ, ПАЙШАНБА

УзТВ-I. 15.00 «Республика мулки». Бадиий фильм. 16.05 Телефильмлар. 16.40 «Қўшчинор чироқлари». Видеофильм, 2-қисм. 17.30 Химия. 18.00 Янгиликлар. 18.15 Фильм-концерт. 18.45 Бу сирли олам. 19.25 Концерт. 20.00 Ахборот. 20.20 Телефильм. 20.45 Қардош халқлар иттифоқи. 21.30 Время. 22.05 Ахборот. 22.25 «26-отилмасин». Бадиий фильм.

МТ-I. 7.00 «120 минут». 9.05 «Сен-Жюст ҳамда вазият тақозосига кўра». Бадиий фильм, 1-серия. 10.35 Мультфильмлар. 11.15 Москва-Париж. 1900—1930 йиллар кўргазмаси. 16.00 Болалар учун фильм. 17.05 Музикали хазина. 17.45 ...16 ёшгача ва ундан катталар. 18.30 Партком ва қайта қуриш. 19.15 Дунё воқеалари. 19.30 Ҳужжатли фильм. 20.00 «Сен-Жюст ҳамда вазият тақозосига кўра». Бадиий фильм, 1-серия. 21.30 Время. 22.05 Босқичлар. 23.35 Дунё воқеалари. 23.50 Оммавий куй янгиликлари.

МТ-II. 9.00 Гимнастика. 9.15 Илмий-оммабоп фильм. 9.45 Мультфильм. 10.15 Концерт. 10.55 Испан тили. 11.25 Ҳужжатли фильм. 12.00 Янгиликлар. 12.10 Ҳужжатли фильм. 12.30 Испан тили. 13.00 Болалар учун фильм. 14.05 Фильм-концерт. 14.55 «Шоввоз солдат Швейк». Бадиий фильм. 17.30 Янгиликлар. 17.40 «Ўт илдизи». Бадиий фильм, 1-серия. 18.55 Ўтмиш ва замонавийлик. 19.40 Ока ва Орлик узра. 20.15 Хайрли тун, кичкинтойлар! 20.30 СССР Олий Совети сессиясида. 20.30 Время. 22.05 «Ўт илдизи». Бадиий фильм, 1-серия. 23.20 Янгиликлар.

14 ИЮЛЬ, ЖУМА

УзТВ-I. 15.00 «Республика мулки». Бадиий фильм, 2-серия. 16.10 Телефильм. 16.30 «Қўшчинор чироқлари». Видеофильм, 3-қисм. 17.10 Биология. 18.00 Янгиликлар. 18.15 Мультфильм. 18.25 «Абитуриент-89». 18.55 Ёшлик. 19.30 Фильм-концерт. 20.00 Ахборот. 20.20 Реклама 20.25 К. Раҳимов куйлайди. 21.30 Время. 22.05 Ахборот. 22.25 Телеминиатюралар. 23.20 «Тошкент» студияси кўрсатади.

МТ-I. 7.00 «120 минут». 9.05 «Сен-Жюст ҳамда вазият тақозосига кўра». Бадиий фильм, 2-серия. 10.35 Бор бўл, музика. 11.10 Москва-Париж. 1900—1930 йиллар кўргазмаси. 12.00 Босқичлар. 16.00 Ҳужжатли фильм. 16.30 Фильм-концерт. 16.50 Ҳужжатли фильм. 17.10 Фан: назария, тажриба, практика. 17.55 Уйғур жилолари. 18.25 Мультфильм. 18.45 Интерсигнал. 19.15 Дунё воқеалари. 19.30 Концерт. 20.00 «Сен-Жюст ҳамда вазият тақозосига кўра». Бадиий фильм, 2-серия. 21.30 Время. 22.05 Франция телевидениесининг программаси. 23.05 Бу бўлган... бўлганди... 23.25 Нигоҳ.

МТ-II. 9.00 Гимнастика. 9.15 Илмий-оммабоп фильм. 9.35 Мультфильм. 10.05 Бошловчи спортчиларга маслаҳатлар. 10.50 Халқ ижодиёти. 11.20 Инглиз тили. 11.50 Концерт. 12.00 Янгиликлар. 12.10 Шарманкачилар — Амарнинг оға-инилари. 12.25 Инглиз тили. 12.55 Болалар учун фильм. 14.00 Ритмик гимнастика. 14.30 Концерт. 14.55 «Ўт илдизи». Бадиий фильм, 1-серия. 17.30 Янгиликлар. 17.40 «Ўт илдизи». Бадиий фильм, 2-серия. 18.45 Концерт. 19.00 Спорт программаси. 20.00 Эстрада программаси. 20.15 Хайрли тун, кичкинтойлар! 20.30 СССР Олий Совети сессиясида. 21.30 Время. 22.05 «Ўт илдизи». Бадиий фильм, 2-серия. 23.10 Ҳужжатли фильм. 23.20 Оқшом концерти. 23.50 Янгиликлар.

15 ИЮЛЬ, ШАНБА

УзТВ-I. 9.00 «Ассалому алайкум». 10.00 Шанба экрани. 10.35 Шаҳар портрети. 11.40 Актёрлар ва роллар. 12.35 Ҳужжатли экран. 13.35 Замондас. 14.35 Спорт программаси. 15.55 Объективда — қайта қуриш. 18.00 Тенгдошлар. 18.45 Мультипанорама. 19.25 Инсон ва табиат. 20.00 Ахборот. 20.20 Ўзбек тилини ўрганамиз. 20.55 Эстрада концерти. 21.30 Время. 22.05 Ахборот. 22.25 Шийпондаги учрашувлар.

МТ-I. 7.00 «120 минут». 9.05 Сиз яратган боғ. 9.30 Фильм-концерт. 10.00 Мультфильм. 10.15 Инсон. Ер. Коинот. 11.15 «Эртанги кун жадвали». Бадиий фильм. 12.40 Дунё воқеалари. 12.55 Концерт-очерк. 13.20 Социализм мамлакатларида. 13.50 Иттифоқдош республикалар киносанъати. 15.20 Россия лўлиларининг қўшиқлари. 16.00 Ҳужжатли фильм. 16.25 Ҳайвонот оламида. 17.25 Мультфильм. 17.40 Ёзувчи А. Битов билан учрашув. 18.55 Халқаро программа. 19.55 «Икки Фёдор». Бадиий фильм. 21.30 Время. 22.05 Телетомошабин ҳамроҳи. 22.25 1989 йил қўшиқлари. 23.35 «Монтаж».

МТ-II. 8.30 Гимнастика. 8.45 Қишлоқ янгиликлари. 9.45 «Ўт илдизи». Бадиий фильм, 2-серия. 10.50 Ҳужжатли фильм. 11.00 Янгиликлар. 11.10 Рассомлик тақдир экан. 12.00 Телевизион музикали абонемент. 12.40 Давр ҳақида ва ўзим ҳақимда. 13.00 Янгиликлар. 13.10 Баскетбол. АҚШ чемпионати. 14.10 Сиэтлга командировка. 15.10 «Крепиш». Бадиий фильм. 16.40 Оперетта артисти. 17.25 ...16 ёшгача ва ундан катталар. 18.10 Маҳмуд Эсомбоев театри. 18.45 Ҳужжатли фильм. 18.55 Концерт. 19.30 Енгил атлетика. Халқаро мусобақа. 20.00 Киножурнал. 20.15 Хайрли тун, кичкинтойлар! 20.30 СССР Олий Совети сессиясида. 21.30 Время. 22.05 «Пи» белгиси билан.

16 ИЮЛЬ, ЯКШАНБА

УзТВ-I. 9.00 «Ассалому алайкум». 10.00 Биргаликда куйлаймиз. 10.25 Ёш спортчи мактаби. 11.15 ЎзССР Кинематографчилар союзида. 12.15 Оналар мактаби. 12.45 Инсон ва замин. 13.45 Халқ ижодиёти. 14.45 «Онаизор». Спектакль. 16.15 Деҳқон — ер эгаси. 16.45 Реклама. 18.05 Концерт. 18.45 Иқбол. 20.00 Ахборот. 20.20 Катталар учун мультфильм. 20.50 Дам олиш концерти. 21.30 Время. 22.05 Ахборот. 22.25 «Паспортсиз киши». Бадиий фильм.

МТ-I. 8.45 Ритмик гимнастика. 9.20 Спортлото. 9.30 Эрта саҳарлаб. 10.30 Совет Иттифоқига хизмат қиламан! 11.30 Тонгги почта. 12.00 Саёҳатчилар клуби. 13.00 Болалар информацион-публицистик программаси. 14.30 Музикали киоск. 15.00 Здоровье. 15.45 Нигоҳ. 16.45 Мультфильм. 16.55 «Камалак». 17.30 Қишлоқ янгиликлари. 18.30 Халқаро панорама. 19.15 Якшанба кинозали. 20.15 «Тўғри сўзнинг тўқмоғи». Бадиий фильм. 21.30 Время. 22.05 Салом, доктор! 22.20 Навқирон театрлар коллективлари. 23.05 Джаз кечаси.

МТ-II. 8.30 Зарядкага сафланинг! 8.45 Концерт. 9.05 «Сўнгги турнага ов». Бадиий фильм. 10.45 Ҳужжатли фильмлар. 11.30 Янгиликлар. 11.40 Мультфильм. 12.00 Саёҳатчилар клуби. 13.00 Концерт. 13.25 Ҳаракат хавфсизлиги учун. 13.30 Янгиликлар. 13.40 Москва — Бостон телекўприги. 14.40 Она-замин ташвишида. 15.25 Қалб тўридан. 16.10 Ҳужжатли фильм. 17.30 Мультфильм. 17.50 Мамлакат театрлари намойиш этади. 19.30 Украина Давлат телерадиоси. 20.00 Севги қурбонларига ёдгорлик. 20.30 Хайрли тун, кичкинтойлар! 20.45 Енгил атлетика. Халқаро мусобақа. 21.30 Время. 22.05 Салом, доктор! 22.20 «Қўрқувга қарши даво». Бадиий фильм.

• Ҳажв бурчаги

Сами АБДУҚАҲҲОР

Мақтанма ғоз...

МАСАЛ

Атрофига тўплаб Товуқ, Ўрдакни,
Бир Ғоз деди: — Мендан олинг ўрнакни!
Аканг қарағай зўр, ҳар ишда омил,
Санаб берай сизга, бордир таомил:
Осмонда учаман, сузаман сувда,
Ерда ҳам юраман чаққон, осуда!
Кўрдингизми қандай қушман — универсал!
— Ҳой, тўхта! — дер Хўроз, — Пастроқ тушгин сал!

Айт-чи, учасанми кўкда Бургутдай!
— Йўқ уча олмайман, очиғи ундай!
— Сузасанми сувда, ўхшаб Балиққа!
— Нима деяпсан, мен эмас-ку Лаққа!
— Ерда учқурмисан мисоли Жайрон!
— Йўқ! Саволинг мени этади ҳайрон!
— Не фойда гар бўлса ҳар ҳунардан оз,
Бир ҳунар орттиргин, нафи тегсин боз!
Эсланг, халқимизда бир мақол бор соз:
Ҳа деб мақтанма, Ғоз,
Ҳунаринг-ку оз!..

Ариза

ФЕЛЬЕТОН

Ариза топширдим райижрокомга,
Ҳеч дарак бўлмади сингтандай қумга...
Охир жавоб келди, имзо турар: Хол.
«Фалончи бўлимга учрашинг дарҳол!».
Тезда етиб бордим ўша бўлимга,
Бошлиқ аризамни тутди қўлимга.
Кўз ташладим ўша ариза—қоғоз,
«А. Х. Холов» деган имзо турар боз!..»
«Бошқа бир бўлимга, деди, учрашинг!»
Ўша ерда, демак, битади ишим...
Қайси бир бўлимга суқмайин мен бош,
Катта-кичик Холов ўлтирар ювош!
Холовдан Холовга ўтди ариза,
Улар имзо чекар тортиб хомуза...
Кўп юрдим битмади ишим бари бир,
Маслаҳат беришди: — Қиласиз сабр...
Котиба Холовадан қайтди аризам,
Қолмабди имзосиз бирон жойи ҳам...
Қизил имзо қўйган холаваччаси,
Бош бухгалтер экан суйган поччаси!
Барча имзолар денг рангдор ва гажак,
Лекин, менинг ишим қачон битажак!
Сендан илтимосим, ўқувчи ўртоқ,
Бундай Холовларга учрама мутлоқ!..

Қодир бобо—100 ёшда

Ангор районидаги «Коммунизм» колхозида яшовчи партия, меҳнат ветерани Қодир бобо Омонов 100 баҳорни қаршилади. Кўпни кўрган миришкор деҳқон, собиқ агроном эндиликда катта-кичик ҳамманинг доно маслаҳатгўйи. Уни гоҳ ветеранлар даврасида, гоҳ ҳамқишлоқлари хонадонларида, гоҳ далада, гоҳ ёшлар ўртасида учратасиз...

— Қодир бобо ҳали жуда тетик. У бизнинг энг фаол коммунистларимиздан, — дейди колхоз партия ташкилотининг секретари О. Бердиев. — Ёшлар ўртасида иш олиб боришдек партия топшириғи берганмиз. Бирор йиғилишимиз йўққи, Қодир бобосиз ўтган ёки кекса коммунист ўзининг амалий таклифлари билан сўзга чиқмаган бўлса. Яқинда биз у кишига «Партия сафида 50 йил» кўкрак нишони ҳам топширдик. Бобонинг ўғил-қизлари, келин-куёвлари, набира-чевaралари кўплигини айтмайсизми?! Агар уларни бир жойга тўпласак колхозимиз клуби торлик қилиб қолади...

Фотомухбиримиз **В. Молгачев** яқинда Сурхондарёда бўлиб, коммунист Қодир бобо Омоновни набираси билан мулоқотда пайтида суратга олиб қайтди.

• Ажаб савдолар

ҚЎЛИ ЭГРИ «СОВЧИ»

«Одамлар-ов, одамлар, эшитмадим деманглар, уйингизга совчи келса, эҳтиёт бўлиб туринглар».

Йўқ, биз бу билан азалий урф-одатимиз шанини ерга урмоқчи эмасмиз. Совчилик доимо маҳалла-куйда энг яхши одамлар чекига тушиб келган. Демоқчимизки, келин туширмоқчи бўлган ҳар қандай киши, халқ назари тушган, кўпчилик танийдиган одамларни совчиликка юборади. Булар қуруқ қайтмасликка, иложи борича жўнатган томоннинг ишончини оқлашга ҳаракат қилишади.

Келин томонни кўндирган совчилар ғолиб жангчилардек мағрур қайтишади, аксинча бўлса-чи, курашда ютқазган полвондек бош эгиб келишади. Ҳатто, таъна-дашном ҳам эшитишади.

Биз яқинда юқоридаги совчилардан тубдан фарқ қиладиган бир «совчи» ҳақида эшитдик. Бу Самарқанд область, Пайариқ районида юз берган воқеадир. Шу райoннинг «Ленинизм» колхозида туғилган Зиёдулла Умирзоқов деган шахс «совчи» ниқоби остида текин даромад топишга, шахсий мол-мулк орттиришга ҳаракат қилган.

Кунларнинг бирида Зиёдулла Умирзоқов Охунбобоев номли совхознинг Аювчи қишлоғига бориб, Мамаёқуб Раҳмоновнинг дарвозасини тақиллатади. Эшикни унинг турмуш ўртоғи Муҳаббат Раҳмонова очар экан: «Ким керак?» деган саволни беради. «Мен совчиман, сизларнинг қишлоқларингда қиз борми?» — жавоб беради Умирзоқов.

Муҳаббат Раҳмонова уни уйига таклиф қилиб, ўтириб туринг, дея қариндоши Ж. Қурбонованинг уйига кетади. Шу пайтда бу ерда болалардан бошқа ҳеч ким қолмайди ва «совчи» учун қулай вазият вужудга келади. Умирзоқов югуриб бориб деворда осиғлиқ турган хотинлар халати чўнтагидан 430 сўм пулни олиб қўйнига яширади. М. Раҳмонованинг қайтишини ҳам кутмай жўнаб қолади. Улар йўлда тўқнаш келишса-да, Умирзоқов аёлни кўрмасликка олиб ўтиб кетади. Болалар оналарига анови келган амаки халатнинг чўнтагини ковлаганини айтишади.

Бу шахс ҳормай-толмай «совчи»лик фаолиятини давом эттириб, Наримонов посёлкасининг «Октябрь 60 йиллиги» кўчасида яшовчи Содия Шомирзаеванинг уйида «меҳмон» бўлади. Кам бўлса ҳам тешиб чиқмайди қабилида «совчи» у ердан 60 сўм пулни ўмариб чиқади.

Ҳеч қаерда ишламай, мўмай даромад ортига тушган учар «совчи»нинг одил суд олдида жавоб беришга тўғри келди.

Пайариқ район халқ суди раиси Д. Султонов бундай фирибгарга биринчи бор дуч келганини айтди. Суд ҳайъати судланувчидан ўмарган пулларни даъвогарларга қайтариш ва унинг ўзига икки йил мажбурий хизмат қилиш ҳақида ҳукм чиқарди.

Ҳа, урф-одатларимиз яхши мақсадлар йўлида хизмат қилиши керак. Ундан ғаразли йўлларда фойдаланган кимсалар ҳеч қачон кечирилмайди. Хулоса қилиб шуни айтмоқчимизки, кўп содда бўлманг, ҳар кимга ҳам ишонманг, азиз одамлар!

М. ТЎХТАЕВ.

• Спорт

ФУТБОЛ МАЙДОНЛАРИДА

★ Олий лига командалари навбатдаги тур учрашувларини ўтказишди. Турнирда пешқадамлик қилаётган Москва спартакчилари Ленинграднинг «Зенит» футболчиларини йирик ҳисобда (5:1) мағлубиятга учратиб, 26 очко жамғаришди. «Днепр» эса «Локомотив»ни 2:1 ҳисобида енгиб, 22 очко тўплади. Учинчи ўринда бораётган торпедочилар ўз майдонларида «Шахтёр»га (0:1) ютқазиб қўйишди. Қолган учрашувлар натижаси қуйидагича: «Помир» — «Жальгирис» — 1:0, «Металлист» — «Динамо» (Тб) — 2:1, «Динамо» (М) — «Динамо» (Мн) — 1:1, «Ротор» — «Арарат» — 2:0.

● **Биринчи лига коллективлари мамлакат чемпионатининг 20-тур ўйинларини ўтказишди. Кучли олтиликдан жой олиб турган командалар учрашувидан кейин ўринларда деярли ўзгариш бўлмади. Пешқадам пойтахт армиячилари «Котайк» майдонида (1:0) ғалаба қозониб, 31 очко тўплашди. «Қайрат» ва пахтакорчилар учрашувида футболчиларимиз муносиб ўйин кўрсатишди. Айниқса дарвозабон Яновский бир неча бор хавфли вазиятларни бартараф этди. Лекин 79-минутда кутилмаганда 11 метрли жарима тўпи белгиланиши қайратчиларга ғалаба келтирди. «Қайрат» ҳисобида 26 та очко тўпланди. Ҳозир «Нистру», «Пахтакор», «Гурия», «Динамо» (Ст), «Факел» коллективларида 23 тадан очко йиғилди.**

Муҳаррир
У. УСМОНОВ.

«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ»
(«Советский Узбекистан»)
Орган ЦК Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР

БИЗНИНГ АДРЕС:
700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

БЎЛИМЛАР: партия турмуши — 33-34-69, 32-53-97, 32-57-19, пропаганда — 32-55-70, саноат, қурилиш ва транспорт — 33-47-80, 32-53-14, 32-54-09, қишлоқ хўжалиги — 33-76-04, 32-53-15, 32-53-70, совет қурилиши — 33-12-46, 32-57-20, 32-54-18, фан, маданият ва халқ таълими — 33-44-51, 32-57-21, адабиёт ва санъат — 33-20-36, 32-54-35, 32-55-16, ахборот ва спорт — 33-14-24, 32-55-17, халқаро ҳаёт — 32-54-14, хатлар ва оммавий ишлар — 33-21-43, 32-53-16 32-53-20, 32-53-21, 33-11-49, 32-54-06, коммунистик ахлоқ — 32-54-29, фельетонлар — 32-54-27, иллюстрация — 32-57-22.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси, 700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.
Газета офсет усулида, А—2 форматида босилади.

Р. — 09800. В. — 161. ИНДЕКС 64583. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12